

ТИЛАБ МАҲМУД

**КОМИЛЛИК  
АСРОРЛАРИ**

*Ҳаётий ҳикматлар*

ТОШКЕНТ  
«АДОЛАТ»  
2006

Фалсафа фанлари доктори, профессор, Давлат мукофоти лауреати, ёзувчи Тилаб Маҳмуд бу рисолада Қуръон ва Ҳадислар маърифати, ҳаётий кузатишлар ва донишмандлар тафаккури дурдоналари асосида инсонни маънавий комиллик шохсупасига кўтарувчи қалб ўқтамлиги, иймон саломатлиги, виждон поклиги, оила муқаддаслиги ва жисмоний гўзаллик ҳақида мушоҳада юритади.

Рисола инсон маънавияти билан қизиқувчи кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Н 1МИ7  
М37

М 37

Маҳмуд Тилаб

Комиллик асрорлари: Ҳаётий ҳикматлар. —  
Т.: «Адолат», 2006. — 96 б.

ББК 87.7

НД 32470  
193


Т 1201000000 -  
2006 (04)012006

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
«Адолат» нашриёти, 2006  
© «MAXI GRAF PLUS» МЧЖ, 2006

20.06  
11432

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MI

ПОДР.



## ИНСОНИЙЛИК САБОҚЛАРИ

Инсон камолоти учун қайғуриш улуг мутафаккирларимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келди. Зеро, инсоннинг қадр-қиммати, ҳаёт мазмуни, буюклиги, шаъну шарафи унинг ахлоқий фазилатларига боғлиқ.

Моддий фаровонликка эришиш ҳам аслида маънавий жиҳатдан бойиш билан бирга содир бўлсагина бахт-саодат келтиради. Бошқача айтганда, моддий фаровонликдан мақсад маънавий юксалиш, инсонийлик моҳиятини намоён этиб, эзгулик қонунига асосланган жамиятни барпо этишга эришмоқдир. Абу Наср Форобий ҳазратлари қайд этганидай, фозил, доно, сазий инсонлар қанча кўп бўлса, жамият ҳам шунча кўп тараққий этади, жоҳиллик белгилари ҳисобланган ҳирс, ҳасад, пасткашлик, фитна, ёлғон, тилёғламалик каби салбий ҳислатлар камайиб, ҳар бир одамнинг бахтли ҳаёт кечириш имконияти ортади. Ақлий етуклик, илм-маърифат эгаси бўлиш эзгу хулқ, эзгу сўз, эзгу ишлар, олижаноб ниятлар, ватанпарварлик, халқпарварлик туйғулари билан узвий алоқада ривожланиши лозим. Шунда руҳий-маънавий комиллик ҳар бир инсон сийратида ва бутун жамиятда намоён бўлади.



Таниқли файласуф олим, профессор, ёзувчи Тилаб Маҳмуднинг «Комиллик асрорлари» рисола-си мана шу долзарб мавзуга бағишланган бўлиб, айни вақтида ёзилган китобдир. Муаллиф миллатнинг маънавий соғломлиги, инсон камолоти асрори ҳақида фикр юритади. Шуниси диққатни тортадики, рисолада исломий манбалар, Имом Ғаззолий, Жалолиддин Румий каби Шарқ мутафаккирлари асарларидан ўринли ва унумли фойдаланиш билан бирга, «Таврот», «Инжил» каби қадимий китобларда баён этилган ўғитлардан ҳам иқтибослар келтириб, таҳлил қилинган. Муаллиф ақл ва қалб орасидаги муносабат, инсоннинг руҳий ҳаёти, турли хил интилишлар, зоҳирий ва ботиний кечинмаларнинг маънавий камолотга таъсири, инсон деган хилқатнинг нозик туйғуларини, орзу-умидлари, қувонч ва ташвишлари ҳақида қизиқарли кузатишлар олиб боради. Оила муқаддаслигини сақлаш, жисмоний ва руҳий тарбия уйғунлиги ҳақидаги боблар ҳам илмий таҳлилларга бой ва қизиқарли ёзилган. Рисола сўнгидаги «Ҳаётий ҳикматлар» ўқувчи тафаккурини ёритишда катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга.

Тилаб Маҳмуд 70 йиллик умри давомида фикр қаймоғи тарзида битилган ҳаётий ҳикматларни таъсирчан публицистик оҳангда, қизгин жўшқинлик билан ифодалагани ўқувчини ўзига жалб қилади. Бундай китоблар, айниқса, ҳозирги пайтда, ёшлар тарбияси учун жуда зарур.

*Проф. Н. Комплов*

## АҚЛЛИ ҚАЛБ – ИНСОН ЗИЙНАТИ

Инсоннинг инсонлиги, одамнинг комиллиги ҳақида гап кетганда Рух, Қалб, Ақл ва Нафсларнинг ўзаро алоқадорлиги, мувозанати ва зиддиятлари кўпроқ тилга олинади.

Моддийликдан фориғ рух, ўзига хос ҳаракат тезлиги ва «яшаш» маконига эга бўлиб, у кўзга кўринмас, аммо зоҳирий неъматларга бошловчи, тафаккурли инсонга қанот бағишлаб, уни ақл бағрига сиғмас уфқларга, маънавият осмонига чорловчи, ҳар кимнинг табияти ва иқтидорига нур ато этувчи ботиний бир куч сифатида яшайди. Рухнинг на миқдори, на ранги, на оғирлиги, на шакли, на андозаси бор.

Баъзан «телбаларда бу жавҳар бўлмайди», деган мулоҳазаларга ҳам дуч келамиз (*Одам Асал ўғли. Исломда фикрий ва илмий ҳаёт. «Шарқ юлдузи», 1997, №5, 207-бет*). Аслида телбаларнинг руҳи баъзи бир «ақлли», «доно» ва «босиқ» одамларнинг руҳига нисбатан юз кара шиддатли ва даҳшатли бўлиши мумкин. Рухнинг кимда бор-йўқлиги эмас, унинг қанақалиги ва нималарга қодирлиги аҳамиятлидир. Телбанинг, беандиша кишининг руҳи аксарият ҳолларда ўзи ва атрофидаги мувозанатни бузишга қаратилса,

доно кишилар руҳи муҳит ёки пароканда кайфиятга осойишталик ва оройиш беришга йўналган бўлади.

Кўпинча «Қалб» тушунчаси «Рух» тарзида ҳам ишлатилади. Гарчи бу тушунчалар бир-бирига яқин бўлсалар-да, уларнинг ўзаро фарқ қилувчи жиҳатлари мавжуд. «Қалб» деганимизда инсоннинг ички дунёси билан боғлиқ ҳолатларни кўзда тутамиз. «Қалби юксак», «Қалби бутун», «Қалби покиза», «Қалби бепоён» иборалари инсоннинг комиллик сари элтувчи жиҳатларига ишора қилади. «Қалби чиркин», «Қалби йўқ», «Юраги (қалби) қора» дейилганда инсоннинг тубанлиги назарда тутилади. Худди шундай қарама-қарши жиҳатлар «Рух» тушунчасида ҳам мавжуд. Аммо «Рух» тушунчасида ахлоқий баҳодан кўра кайфият жиҳати кўпроқ кўзга ташланади. «Рухи баланд» ёки «Рухи паст» тушунчалари умуман инсоннинг комил ёки пасткашлигини эмас, унинг маълум бир пайтдаги ҳолатини ифода этади. «Рухи баланд» пасткаш одам бўлганидай, «Рухи тушкун», «Рухи синиқ» доно бўлиши ҳам мумкин.

Жалолоддин Румий айтадилар: «Рух дарахт илдизига ўхшайди ва у гарчи тупроқ ичида бўлса-да, асари – шохларида намоён. Агар дарахтнинг бир шохи синса, илдизи бақувват бўлгани учун янгилари ўсиб чиқаверади. Агар илдиз чириган бўлса-чи, унда на шох ва на япроқ қолади» (*Мавлоно Жалолоддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. Т., «Ёзувчи», 1997, 153–154-бетлар*).

Инсоннинг яхши, ёмонлиги, кўпинча унинг фақат ақлига қараб эмас, руҳи, қалби, фаросати ва



феълига қараб билинади. Ақли расо бемаза одамлар бўлганидай, феъли ҳалим айёр одамлар ҳам учраб туради.


Муҳаммад пайғамбар ҳадисларида ўқиймиз: «Жасадда бир парча гўшт бор, агар у яхшиланса, жасаднинг ҳамма аъзолари яхшиланади, агар у бузилса, аъзоларнинг ҳаммаси бузилади. У – қалбдир» (Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 87-бет).

Бинобарин, қалбни пок тутиш, уни парвариш қилиш, мусаффо руҳ ва доно ақл билан бойитиб боргандагина инсон вужудида, табиатида, ҳаёт тарзи ва воқеликка муносабатида бутунлик, уйғунлик, комиллик вужудга келади.

«Ақл» инсон руҳини шод, қалбни пок айлагувчи тафаккур калитидир. Инсоният тарихи – ақлнинг шаклланиш, ривожланиш ва жамланиш майдони. У вақт сингари орқага эмас, олдинга қараб юргувчи гардиш. Гоҳо асрлар давомида инсоният онгида етилмаган ақлий балоғат якка бир шахс миясида тўпланиб қолганидай, ақл нури инсон қалбининг қоронғу ҳужрасида адашиб, фалокат ва разолат рамзига айланиши ҳам мумкин.

Агар Қалб ва Руҳ Ақлни нурли тилаклар водийси томон чорласа, баднафслик – ақлнинг кушандаси. Баднафслик шайтон янглиғ қалбни ҳам, руҳни ҳам, ақлни ҳам тўғри йўлдан оздирувчи, шубҳаю надоматлар сари етакловчи ҳирсий оғудир.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, умуман, инсон боласи табиатига хос бўлган нафсни инкор этиб бўлмайди. Нафссиз одамзод



табнат ва жамиятга ақл-хушли, ҳис-ҳаяжонли мавжудот тарзида муносабатда бўлолмайди. Нафс, маълум даражада, жисмоний ҳамда маънавий эҳтиёж, зарурий талабот тарзида тарихий тараққиёт маҳсулидир.

Қуйида одамларнинг ўз табиий нафси, эҳтиёжи ва имкониятлари даражасидан четга чиқиб, комилликка раҳна солувчи ҳиссий ва ҳирсий амаллар туфайли «нафс балоси»га гирифтор бўлишлик хусусида фикр юритилади.

Муҳаммад пайгамбар инсон ҳаётида нафс балоси нақадар оғир дард эканлигини таъкидлайди: «Дунё ширин ва чиройлидир. Кимки ундан ўз ҳаққини олса, у одамга барака берилади. Аммо қанчадан-қанча нафсига берилиб, дунёга шўнгиган одамлар борки, қиёмат куни унга фақат оташи дўзах бўлади» (*Муҳаммад пайгамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 87-бет*).

Демак, нафс ўйинларига қул бўлмаслик, уни тушовлаб турмоқ инсон ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга.

«Нафсим менинг балодир, ёнган ўтга солодир», дейди халқимиз. Нафсни тиймоқ – ақлга қалб бағишламоқ, қалб амрига эмас, руҳ поклигига иймон келтирмоқдир. Қалбни фармон ила бўйсундириб бўлмайди, қалбнинг ўз амри-фармони мавжуд, баланд руҳни чўктириш мумкину, чўккалашиш мумкин эмас.

Одамлар ўз ақли ила мартаба, унвон, мансаб, зебу зарларга эга бўлади, аммо нафс инсонни бу неъматларга ё қул, ё хўжа айлайди. Қуръони Каримда айтилганидек, нафс – барча ёмонликларга





буюргувчидир (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 162-бет*).

Нафс билан дил (юрак) ўртасидаги зиддиятдан ҳаром ва ҳалоллик туғилади. Ҳалоллик дил қўйнида иймон ётганида, ҳаромлик эса нафс бағрига дил ботганида вужудга келади. «Сиртдан инсоннинг ичига кирадиган ҳеч нарса уни ҳаром қила олмаслигини англайсизларми? Бу нарсалар инсоннинг қалбига эмас, қорнига киради ва керак жойидан чиқиб кетади... Инсоннинг ичидан чиқадиغان нарсалар инсонни ҳаром қилади. Чунки ичдан, яъни инсон қалбидан ёмон фикрлар, фахшу зино, қотиллик, ўғрилик, таъмагарлик, бадниятлик, маккорлик, нафсга берилганлик, гайрлик, куфр, манманлик ва подонлик чиқади» (*Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 99-100-бетлар*). Бинобарин, нафсни жиловлай олиш, руҳни, қалбни ҳаволатиб юбормаслик инсонни поклик ва ҳалоллик сари бошлайди.

Ақл инсон вужудининг чироғи эрса, бу чироқнинг пилиги – тил, мойи – қалб ёнқи руҳдир. Мойи йўқ чироқ ёнмаганидай қалби чиркин инсоннинг ақли ҳам қоронғу бўлади, пиликсиз чироқ бўлмаганидай, тилсиз одам ҳам йўқ. Бироқ пиликнинг тўйинган ё тўйинмагани мойга боғлиқ бўлганидай, тилнинг равон ё бурролиги ақлнинг кучи ва қалб тиниқлигига боғлиқ. Бекорга айтмаганлар: нима эксанг, шуни ўрасан. «Ўз нафси даласига уруғ экса, нафсдан завол ўриб олади», дейилади Инжилда (*Инжил, Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 488-бет*).


Бу ерда умуман нафс инкор этилаётгани йўқ. Гап унга ортиқча эрк бериб, ақл билан иш кўрмаслик оқибатлари устида бормоқда.

Нафсни тийиш яхшилик уруғини сепиш демакдир. Яхшилик уруғи эса охир-оқибатда инсон учун катта бир саодат хирмони бўлиб қайтади. Баднафслик инсонни маънавий бепоштлик касалига мубтало этади.

Инсон табиатини бузувчи оғулар орасида энг даҳшатлиси баднафслик ва хирсдир. «Ақл»сиз нафсдан – хирс, хирсдан – очкўзлик, очкўзликдан балою қазо туғилади.

Инсон моҳияти ниҳоятда мураккаб сифатлар ва жиҳатлар йиғиндисидан ташкил топади. Жалолиддин Румий айтганларидек: «Инсонда шу қадар улкан ишқ, хирс, орзу ва дард бордирки, юз мингларча олам ўзиники бўлса ҳам, кўнгли тинчимайди. У ўзи машғул бўлган ишда, санъатда, илми нужумда, ҳақимликда... Завқ ва орзулар зинапоёга ўхшайди. Зиналар ўтириб, дам олишга мослашмаган, аксинча, устига босиб ўтилади, холос. Умрини шу зиналарда беҳуда ўтказмаслик учун гофилликдан тез уйғонган ва аҳволнинг моҳиятини англаб етган зот қандай бахтли!» (*Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадур. Т., «Ёзувчи», 1997, 62-бет*).

Кўзнинг тўқлиги – ҳасад йўқлиги, кўнгли тинчлиги – балоғатли ақл ҳосилдир. Бошдаги ақл қўйинидаги жонондир. Ул қачонки бағрингдадир – ул сенинг мулкинг эрур, гар итоат этмаса, хонумоннинг куйдургусидир.



Ақлининг нурли қалб ва пок руҳдан қанотлари бўлгандагина у ҳақиқат томон парвоз этади. Уни баднафслик чирмаб олса, инсон ўргимчак тўрига илинган пашшадек аянчли аҳволга тушади.

Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий инсон ва унинг камолоти ҳақида чуқур мулоҳазалар қолдирган алломалардан бири. У инсон даставвал ўз нафсини англамоғи зарур эканлигини, нафслар ташқи (зоҳирий) ва ички (ботиний) бўлишлигини, зоҳирий нафслар инсонни ҳайвонот олами билан, ботиний нафслар эса уни юксак маънавият дунёси билан боғлаб туришини уқтиради: «Эй, Инсон! Зоҳирингни танимоқда бош, юз, қўл, фут ва гўштан ўзгани танимассен. Ботининг аҳволидин мунчалик билурсенким, вақтики гурусна (оч) бўлсанг, нон ерсен. Ва ташна бўлсанг, сув ичарсен. Вақтики, ғазабинг келса, бир кишига иззо берурсен. Ва шаҳват голиб келса, хотун олурсен. Ва ҳамма чохорпо ва ҳайвонлар бу ишларда сенинг бирла баробардурлар.

Бас, сенга лозумдурки, ҳақиқатингни талаб қилгайсен, ўз аслинг не нимарсадур ва не ердин келибсен ва не ерга боргунгдир? Бу олам манзилгоҳига нима ишга келибсан ва сени нима учун офарида қилибдир? Саодатинг не ишдадир?» (*Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий. Кимёи саодат. Т., «Камалак», 1995, 5–6-бетлар.*)

Ғаззолий инсоннинг жисмоний ва маънавий нафслари ўртасида фарқ борлигини ва маънавий эҳтиёжлар одамзодни ҳайвонот оламидан ажратиб турувчи ва унга саодат ато этувчи фазилат эканлигини таъкидлайди. Инсон кўз билан кўриладиган



зоҳирӣ тан ва ботинӣ жон (нафс, дил, руҳ)дан ташкил тошгани учун дил ва руҳни шунчаки кўриб, кузатиб бўлмайти. Уни ботинӣ кўз билан илғамоқ мумкин.

Ғаззолий фикрига кўра, одамлар руҳ, дил ва қалб деганларида қўлларини чап кўкраклари устига қўйиб, бир парча гўштга ишора қиладилар. Аслида бу парча гўшт ҳайвон ва ўликларда ҳам мавжуд. «Юрак» деб аталмиш бир парча гўштни ушлаб ҳам кўриш мумкин. Бироқ «Юрак» билан «Руҳ», «Дил» ва «Қалб»нинг инсон саодатида тутган ўрни бўлакчадир. «Ул гўшт пора (юрак) подишоҳ, дилнинг маркаби (улови) ва асбоби суфраидур. Ва ҳамма аъзон бадан анинг лашкаридур. Ва жумлаи таннинг подишоҳи дилдур» (*Ғаззолий. Қимийи саодат. Т., «Камалак», 1995, 7-бет*).

Инсоннинг комиллик саодати сари интилиш йўлидаги орзу ва умидлари, зарда ва қувончлари, гинаю илтифотлари ана шу дил (қалб) амри ила бажарилади. Зоҳирӣ бадан ботинӣ дил ҳукмига доимо тобеъ яшайди.

Мурдада жон, ўликда дил бўлмайти. Дил (қалб) тирик жоннинг яшаш тарзидир. Унда инсон ёши ва жинси, ҳаёти ва тақдири, эҳтиёжи ва идроки, авлод-аждодлари руҳи ҳамда васиятлари ўз аксини топади. Шунга биноан дил (қалб)нинг на миқдори, на чегараси ва на андозаси бордир. У инсоннинг ботинӣ табиатини белгиловчи ички имконият сифатида турли одамлар ҳаёти сингари турланиб, нурланиб яшаш, бир одамнинг қалбида саодат ва жаҳолат, кабирлик ва жоҳиллик, нафосат ва разолат уруғлари униши мумкин.



Ана шунинг учун руҳни поклантириш, қалбни то-  
залаш ҳақида гапирамиз. Қалбдаги саодат, кабир-  
лик, нафосат ниҳолларини бегона ўтлардан тоза-  
лаш эвазига қалб бутунлигига, руҳ ўктамлигига  
эришилади.

Руҳи латифлик инсонга хос, ҳайвонот дунёси  
қалб нафосатидан маҳрумдир. Булбулнинг нолаю  
афғонлари, асаларининг ҳайратомуз тўруялари,  
қалдирғоч уясининг нозик гардишлари ҳайвон ва  
жониворларнинг яшаш тарзини ифодалайди,  
аммо ботиний руҳ ёки қалб жавоҳирлари инъи-  
коси бўла олмайди. Инсондаги қалб икки олам  
замзамаларини ўзига сиғдирувчи бепоён дунёдир.  
Насимий айтганларидек, «Менга сиғар икки жа-  
ҳона, мен бир жаҳона сиғмасман!». Қалб ана шун-  
дай оғир ва енгил, бор ва йўқ, кенг ва тор, ҳўл ва  
қуруқ, зоҳирий ва ботиний нозу неъмат, ғаму кул-  
фатларни ўзига сиғдира оладиган сирли бир ру-  
ҳий мамлакат.

Ғаззолий таъбирича, «Тан (бадан) мисоли ша-  
ҳарга ўхшашдир. Қўл ва оёқ ҳамда ўзга аъзолар  
бу шаҳарнинг ҳунармандларига ўхшашдир. Ва  
шаҳват бу шаҳар ҳулқидин бож, хирож олмоқға  
мутасаддидур. Ва ғазаб бу шаҳарнинг тунги под-  
шоҳи. Ва дил бу шаҳарнинг подшоҳи. Ва ақл бу  
шаҳарнинг подшоҳининг вазиридир. Бу подшоҳ-  
ни бу мазкур бўлганларга ҳожати бордур. Токи  
мамлакат иши булар бирла саранжом бўлғай...  
Подшоҳ дил вазир – ақлнинг машварати бирла иш  
қилса, шаҳват ва ғазабни вазир ақлнинг зардаси ва  
фармонида қилса, бадан мамлақати ани низомида  
бўлғусидир. Ва саодат йўлини топиб, ҳақ-таолонинг



маърифатин ҳосил қилғусидир. Ва агар вазир ақлни шаҳват ва ғазаб илгида асир қилса, бадан мамлакати вайрон бўлиб, подшоҳ дил ҳам асир бўлиб, бадбахт ва ҳалок бўлғусидур» (*Ғаззолий. Кимийе саодат. Т., «Камалак», 1995, 12-13-бетлар*).

Ғаззолий қалб ва ақл ўртасидаги мураккаб мутаносиблик ва зиддиятларга эътиборни қаратади. Қачонки қалб ақл йўлидан борса, ақл раҳнамолик қилса ва тўғри ечимлар, ҳукмлар, ҳақиқат ва гўзаллик сари етакласа ва дил буни қабул қилса, маънавият мамлакатада саодатмандлик қарор топади, акс ҳолда қалбнинг ҳар қандай тугён ва орзу-умидларини бадбахтлик ва ҳалокат лашкарлари қарши олади.

Бинобарин, ақл, Ғаззолий ёзганидай, дилнинг хизматкори эмас, балки дилга йўл-йўриқ кўрсатувчи, дил хархашалари ва амалларининг тарозбонидир. Агар ақл дилнинг хизматкори бўлганда эди у ихтиёрсиз қул бўлиб қолар, комиллик йўлида мустақил ва мустаҳкам, эркин ва беадад ҳаракат қилишдан маҳрум бўларди. Дил қанчалик бепоён бўлса, ақл ҳам шунчалик ҳаракат ва балоғатга эҳтиёж сезади. Ақл теранлиги қалбни бойитади, дил бойлиги ақлга куч-қудрат бахш этади. Бири иккинчисига кўз-қулоқ бўлгандагина тасаввур ойнасидаги жавоҳирлар нурланади, ҳақиқат ва гўзаллик дурлари янада кучлироқ жилоланади, комиллик аломатлари кўрина бошлайди.

Ғаззолий инсон руҳиятида, қалбида қарама-қарши туйғулар, истак ва эҳтиёжлар пайдо бўлишини ва ҳайвонот оламидаги муштарак жиҳатлар ва улардан фориг бўлиш йўлидаги Ақлнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтади.



Инсон табиятида итлик ва тўнғизлик, девлик ва фаришталик сифатлари ҳам бор: «Чунончи, одам баданида шаҳватни халқ қилибдурларки (яратибдурларки), ани хоҳиши тўрт оёқли ҳайвонлар ишини қилмоқдир. Андоғким: озор еткурмак, емак, жимоъ қилмак. Ва ушбу баданда газабни халқ қилибдурларким, ани хоҳиши ит ва бўри ва шерлар ишини қилмоқдир. Чунончи, сўкмак, урмоқ ва ўлдирмоқ ва халққа қўл ва тил бирла озор еткурмак ва ҳасадни халқ қилибдурки, анинг хоҳиши девлар ишини қилмоқдир. Чунончи, макр ва ҳийла қилмоқдир. Барҳақ ишни ёпмоқдур. Ва халқ орасида фитна ва ошуб қилмоқ.

Ва одам вужудида ақлни пайдо қилибдурки, анинг хоҳиши фаришталар ишини қилмоқ. Чунончи, илм ва уламоларни дўст тутмоқ ва ёмон ишларни қилмаслик ва халқ орасида салоҳ ва мувофақат изламоқ, хасис ва забун ишлардин ўзини тўхтатмоқ ва яхши ишларни билганидин шодланмоқ. Жоҳил ва нодонликдин ор ва номус қилмоқдур» (*Фаззолий. Кимйён саодат. Т., «Кама-лак», 1995, 15-бет*).

Инсондаги ҳайвоний ҳамда маънавий жиҳатлар ҳақида Ж. Румий ҳам ҳам чуқур мулоҳазалар қолдирган: «Бу дунё ва ундаги гўзал, хуш нарсалар инсоннинг ҳайвонлик тарафининг насибасидир. Улар ҳайвонликка куч беради. Асос бўлган инсонлик жиҳати эса кундан-кунга заифлашади. «Инсон гапирувчи ҳайвондир» дейишди. Демак, у икки нарсадан иборатдир.

Бу дунёдаги унинг ҳайвонлик тарафининг озуқаси шаҳват қўзғатувчи нарсалар ва орзулар



дир. Инсонлик тарафининг озуқаси эса билим, ҳикмат ва Тангрининг Жамолидир. Инсоннинг ҳайвонлик тарафи Ҳақдан, инсонлик тарафи эса дунёдан қочмоқдадир. Вужудда икки шахсият доимо жанг қилмоқдадир» (*Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. Т., «Ёзувчи», 1997, 57-бет*).

Бинобарин, инсон ва инсон руҳияти ниҳоятда мураккаб моддий ва маънавий олам бўлиб, у қарама-қарши хоҳиш ва истаклар, эҳтиёж ва талаблар, идрок ва тасаввурларнинг кураши ва айни чоқда, муросасини тақозо этади.

Ҳар бир одам боласи руҳида, қалбида унинг турли нафсини қўзғаб турадиган ўз шайтони бор. Бу шайтонни фақат ақл ва тарбия кучи ила жиловлаш мумкин. Ғаззолий ёзганидек: «Харис ва шаҳват тўнғизи ва ғазаб итини адаб бирла тутиб, ақлнинг зер-дастида қилгай. То ақлни фармонидин ташқари қадам қўймағайлар. Агар бу тариқа бўлса, яхши сифатлар ҳосил бўлиб, саодат тухмин қўлга келтиргусидир» (*Ғаззолий. Кимийи саодат. Т., «Камалак», 1995, 16-бет*).

Маълумки, аёллар ва эркеклар орасидаги муносабатлар аксарият ҳолларда бу икки жинснинг бирбирига бўлган илиқ самимиятидан бошланиб, шаҳвоний интилиш ё раддия билан яқун ясайди. Ҳиссий ижобий жавобларнинг бўлмаслиги бу икки жинс туйғуларининг бир-бирига нисбатан зидлигидан далолат беради. Оддий инсоний муносабатлар ҳиссий кечинмаларни туғдириши табиий. Бироқ бу ниятлар амалга ошмаса ёхуд мазах қилинса, бир томоннинг ғазаб отига миниси ҳам




табий. Худди шундай ҳолатлар гирдобда ақл инсонни адаб ва ахлоқ маскани томон чорласа, унинг йўли саодат гулларига бурканади.

«Кўз – танинг чироғидир. Агар сенинг кўзинг тиниқ бўлса, бутун танинг ҳам ёруғ бўлур. Аммо кўзинг ёмон бўлса, бутун танинг ҳам қоронғи бўлур» (*Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 14-бет*). Демак, инсон руҳининг поклиги унинг бутун аъзон бадани, хаёли, тасавури ва амаллари поклигини ҳам тақозо этади. Худди шундай инсон вужудидаги ғазаб ити хуружга минса, уни ақл занжирга боғламоқ даркор. Инсон ғазаб чоғи айтган ва бажарган сўзларига ва амалларига кейин қанчалик дили хуфтон бўлса, уларга ўз ақлу фаросатини рўбарў қўйиб, шунчалик хурсанд бўлади. Ақл ила битмаган мушкулот кейинчалик инсон бошига палахмон тоши бўлиб тушади.

Инсон табиатида руҳий барқарорликка эришиш комиллик йўлида муҳим аҳамиятга эга. Қачонки инсон шаҳват замзамасига эрк берса, унда беҳаёлик, беандишаллик асоратлари пайдо бўлади; қачонки инсон ғазаб қамчинини кўтарса, унда жаҳолат жазавалари кучайиб боради; қачонки одамнинг итлиги тутса, унда нопоклик ва ўзгаларга озор етказмак ниятлари қутуриб кетади. Чунки «одам дили ойинаи равшанга ўхшашдир... Ул яхши сифатлар нурга ўхшашдурким, вақтики ул нур ойинаи дилда қарор топса, ҳамма зулмат ва масъулиятларни зопл қилур...

Агар ойинани соф ва равшан тутсалар, ҳамма олам ани ичида кўринур ва агар ул ойинага занг



ва тийра ўлтурса, ҳеч нимарса ани ичида кўринмас» (*Ғаззолий. Қиммиён саодат. Т., «Камалак», 1995, 18-бет*).

Қалб поклиги ва иймон саломатлиги инсонни ақл-идрок ва саодат ганжинасига элтади. Ақл-идрок инсонни зоҳирий бало-қазолардан, ботиний қилиқ ва ҳуружлардан асрагувчи маънавий по-сбондир.


Инсон маънавий оламининг яхлитлиги ва бутунлигига эришмоқ айни саодатдир. Парчаланиш, бўлиниш – нураш аломатидир. Қаерда уйғунлик ва мутаносиблик бўлса, шу ерда ишончли тараққиёт ва гўзал хулқ чечаклари гуллайди. Инсон дилидаги эсанкираш, шубҳа ва гумон маънавий парокандаликка олиб келади.

XI асрда Ғаззолий ёзган эди: «Бас, одамлардин бир гуруҳи гумон қилибдурларким, Аллоҳ одамни таом емак ва уйқуламоқ, ва жимоъ қилмоқ, лаззат олмоқ учун яратгандур деб. Бу мутлақо нотўғри, бузуқ, беҳуда хомхаёлдир. Бу билан ҳамма умрларини бўлмағур ботил ишга сарф қилурлар. Минг афсус ва надоматлар бўлсин» (*Ғаззолий. Қиммиён саодат. Т., «Камалак», 1995, 19-бет*).

Фақат моддий эҳтиёжлар билан ўралашмоқ маънавий оламдан бегоналашмоқ демакдир. Бундай одамларнинг ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймайди.

Кўз бойлиги одамнинг давлатидан эмас, бутун олам бойлигидан ташкил топади.

Бинобарин, инсон маънавияти дил ва тил, ақл ва фаросат, илм ва ҳунар, орзу ва мақсадларнинг йиғиндисидан ҳосил бўлади. Меҳнат тақсимооти қанчалик кенгайиб ва чуқурлашиб боргани сари



инсон маънавиятида ҳам торайиш ёки кенгайиш, чуқурлашиш ёки саёзлашиш, улуғворлашиш ёки пасткашлашиш белгилари пайдо бўлаверади. Бу сифатларнинг уйғунлигига эришиш хаёлдан ҳаётга, орзудан амалга кўчган сари инсон табиятида комиллик вужудга кела бошлайди.

Инсон ўз онги ва тасаввурини поклаган сари, табият ва жамият сир-асрорларини тобора кўпроқ англаб етгани сари қалбини, вужудини, руҳини ва онгини такомил эттириб боради. Ана шу тариқа олами жисмоний билан олами руҳоний ўртасидаги муштараклик, уйғунлик вужудга келади. Чунки барча ёлғон нарсалар бу уйғунликнинг, одам феълининг бузилишидан, дилнинг ноўрин харҳашараларидан, ақлнинг ўсмай қолишидан ҳосил бўлади.

Инсон руҳи (дили, қалби) мисоли темирдир. Уни тоблаш ёки занглатиб қўйиш мумкин. Руҳнинг товланиши илҳом келтиради, занглаши эса кўнгилни айнилади. Дилини тоблаб, ақлини чарлаган одамларгагина маънавият эшиклари очилади. Наинки инсон хаёллари, орзу-умидлари ҳам аввал дил бағрида туғилиб, тасаввур беланчагида улғайиб, сўнгра ақл паноҳида кучга тўлади.

Инсон дунё ва охират ўртасидаги бепоён манзилда юргувчи карвонга ўхшайди. Манзил абдий, карвон ўткинчи бўлганидек, инсоннинг тани фоний, руҳи боқийдир. Руҳнинг боқийлиги инсоннинг дунё билан охират ўртасидаги йўлда топган маънавий мулкига боғлиқ. Руҳнинг сояси йўқ, аммо доимий ҳаракатда. Уни кўрмайсан, аммо усиз яшай олмайсан. Уни ушлаб бўлмайди, аммо сени

қўйиб юбормайди ҳам. Дилга ўлим, танга тиним йўқдир. Таннинг тингани – ўлгани, дилнинг тингани боқийликнинг давомидир.

Биобарин, инсоннинг баркамол қиёфа кашф этиши ундаги зоҳирий ёмон қилиқларни, хатти-ҳаракат ва амалларнинг нечоғлик сўниб бориш даражасига боғлиқ.

Инсон ўзини-ўзи қанчалик бошқариб, ақл чироғи ёритган йўлдан юришга одатланган сари шунчалик покдомонлик ва комиллик зинасига кўтарилиб, ғазаб, нафрат, кибр-ҳаво, ҳасад, баднафслик сингари дилни чиркинликка тортувчи губорлардан фориг бўлиб боради. Қачонки, руҳи жисмоний руҳи инсонийни ўзига батамом тобеъ қилиб олса, ҳар қандай одам боласининг боши надомат ва касофатлар балосидан қутила олмайди. Наинки, «Ҳар бир дарахт ўз мевасидан билинур. Тиканзордан анжир терилмас, бутазордан узилмас узум. Яхши одам ўзининг яхши қалб хазинасидан яхшилик чиқарур. Ёмон одам ўзининг ёмон қалб хазинасидан ёмонлик чиқарур. Одамнинг дили нимага тўлиб-тошса, тили ўшани гапирур» (*Инжил, Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 151-бет*).

Инсоннинг дунёвий амалларида унинг онги, ақли ва билими кўринади. Ақл билан билим ўртасида нозик алоқадорлик мавжуд. Билим – ақлнинг маҳсули. Ақлнинг билимга айланишидан донолик пайдо бўлади. Шунинг учун олим дунё ва охират ўртасидаги ҳақиқат кўпригини қуришда маънавий кафолат вазифасини ўтайди. Ақл идрокни, дил эса фаросатни тақозо этади. Одамлар «Фаросатли



ақл» деган иборани ишлатмайдилар. «Фаросат»-да одамнинг қалби, руҳи, таъби назарда тутилди.

Ҳадиси шарифларда илм ва олимлик хосиятлари ҳақида ҳикматлар кўп: «Олимнинг ўлими оламнинг ўлиmidур».

«Охиратда набийлар, олимлар ва шаҳидлар шафоат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар».

«Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинлар, лекин илми фақат ривоят қилувчи бўлмаганлар».

«Кимки, уламолар олдида фахрланиш, нодонлар билан баҳслашиш ёки одамларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиш мақсадида илм ўрганса, унинг жойи жаҳанамдир».

«Олимларга эргашингиз. Зеро, улар дунёнинг машъаллари ва охиратнинг чироқларидир...»

«Уламо билан ўтириб-туришлик ибодатдир».

Муҳаммад пайғамбар «Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар», деб таъкидлайди (*Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т. «Камалак», 1991, 60-бет*). Нима учун Хитойдан, деган савол туғилади. Бунда Хитой Араб мамлакатларидан анча узоқ бўлса-да, ундан қадим-қадим замонлардан буён илму ҳунар тараққий этганига ишора қилинмоқда. Инсон илму ҳунар эгаллаш учун дунёнинг қайси чеккасига бўлса ҳам бориб, ўз ақлини тўлдириб, қобилиятини такомиллаштириб келиши зарур ва мақбул эканлиги қайд этилади. Илм йўлида чекилган заҳмат охири қувонч ва фароғат бирла мукофотлангай. Илмсизлик, бирор ҳунарни эгалламаслик ва илму ҳунар аҳли суҳба-



тидан бебахралик инсонни жаҳолат жарига элтади: «Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки илм ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан» (*Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 61-бет*).

Илмсизлик айб эмас, илм олишга бепарволик ёки қаршилик жаҳолатдир. Инсон ҳаёт тарзига қараб, имконият ва шароит туфайли илмли ё илмсиз бўлиб қолади. Ҳаётний тажриба, муомала ва мулоқот орқали тинглаб ва кўриб олинган билим тўпланган ақл бўлади. Тўпланган ақл ҳали ерга сочилмаган уруғга ўхшайди. Уруғ ерга серилгандан кейин ўзига ўхшаган ва айнан ўхшамаган ҳосил берганидай, ақл ҳам ўсиб, улғайиб, бойиб ва кўпайиб билимга айланган сари янада чуқурлашади, бир одам ақлу фаросати чегарасидан чиқиб, миллат ва инсоният маънавий мулкига, умумбашарий қадриятга айланади.

Билим инсоннинг ботиний қалб чироғи бўлиб, унинг руҳи ва дунёвий амалларига нур сочиб туради. қачонки инсоннинг қалб чироғи хиралашиб ёки ўчиб қолса, у зимистонлик қаъри янглиғ жаҳолат, бидъат ва разолат ботқоғига ботади.

Демак, билим ва покиза қалб одамзоднинг жаҳолат ва разолат кишварларига алданмаслик ҳамда маънавий покдомонликка эришиш гаровидир.

Ақлни чархлаш пичоқни чархлаш билан баробар эмас. Ақлни чархлаш инсонни янги-янги илм масканлари ила ошно айласа, ҳатто юз туя ҳам кўтара олмас маънавий жавоҳирлар билан бойит-



са, пичоқ чархланган сари ейлиб, камайиб, охири яроқсиз аҳволга тушиб қолади. Ақлни чархлаш, ўстириш ва тарбиялашнинг чеки-чегараси, вақти-макони йўқ. Билим эгаллаш узлуксиз ва абадий жараён бўлиб, инсон билан бирга туғилиб, инсон билан бирга ўтиб кетмай, инсондан кейин ҳам яшаб қолиш хусусиятига эга.

Ақл илмга, илм ҳақиқатга, ҳақиқат гўзалликка йўл очади. Инсон учун ҳақиқат ва гўзаллик йўлида яшаб ўтмоқ ва унга ўз жонини нисор этмоқ бебаҳо бахт саналади.

Ҳар бир инсон пешонасига унинг ақли ва салоҳиятига яраша билим олиш имконияти битилган. У ана шу пешонасидаги илм ёзувлари тугунларини ечиб, ўрганишга ўз ҳаётини сарф этади. Мабодо, у илмнинг бепоён эканлигини тушуниб етмаса ё ўз қудрати салоҳияти, фаросат ва имкониятларини ҳис қилмаса, қутурган туя талвасасидан соғлом бўталоқ кутган одамдай умри зое ўтади. Ҳар кимнинг умри бошқа, умиди бўлак бўлганидек, ҳар кимсанинг илми бошқа, амали бўлакча. Ана шунда илм инсон учун жамиятда ўрин, маънавиятда мавқе, ҳуснига ҳусн бағишлайди.

«Ҳар кишининг иззати ва шарофати илм бирла ва қудрат ва қувват бирла ва ё жамоли ва сура-ти била бўлур», деб ёзади Ғаззолий (*Ғаззолий. Кимён саодат. Т., «Камалак», 1995, 39-бет*).

Илмли – илдам, илмсиз – имиллагандир. Шу билан бирга ақл чекланган, илм чексиздир. Ташқи олам ҳақидаги билимлар қанчалик чуқурлашиб ва кенгайиб кетган бўлмасин, инсоннинг ички олами,

табиати ва салоҳият имкониятлари ҳақидаги илм шунчалик ақл эътиборига муҳтожлигича қолмоқда. Илмли бўлмоқ учун ҳам илм керак. Одатда илмга илмсиз эмас, илмга чанқоқ одам интилади.

Билим инсонга куч-қувват ва ишонч бағишлайди. Шубҳа, гумонсираш бирор шахс ёки нарса бўйича ишончли далил ва қатъий фикр йўқлигидан пайдо бўлади.

Билмсизлик ҳудди туманли кунни, тун кайфиятини эслатса, билим қуёш нури каби киши дилини равшан, кўнглини мусаффо айлайди.

Дунё ишлари илм орқали саришта этилади. Билим турли-туман эътиқод, тил ва ирққа мансуб одамларни бирлаштирувчи, барчага баробар хизмат қилувчи беминнат фазилатдир. Илмсизлик одам боласини қанчалик ҳайвонот оламига етакласа, билим шунчалик одамни ҳайвонот дунёсидан маънавий оламига олиб ўтади. Шунинг учун Муҳаммад пайғамбар «Ҳар бир мусулмонга талаби илм қилиш фарздир... Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир», деган эди (*Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 93-бет*).

Илм иймонни бутун, тақвони юпун қилади. Илм, иймон ва тақво қачонки инсон ҳаётини ўктам қилишда бирлашса, маънавий покдомонлик ҳосил бўлади. Бу учликнинг учи сўкилса, инсон маънавияти тўзғиб кетади. Бу учликнинг подшоҳи – илм, вазир – иймон, амали – тақводир.

Иймонли одамнинг қалби тоза, фикри тиниқ бўлади. Иймон киши вужудини ботиний ҳамда





зоҳирий бало-қазолардан тозалагувчи маънавий малҳамдир. У инсон умрининг доимий йўлоши, гўзал амалларга чорловчи кучдир.

Мавлоно Жалолиддин Румий айтадилар: «Иймон намоздан устундир. Чунки намоз кунда беш маҳал, иймон эса ҳамма вақт фарздир. Намоз узрли сабаб билан қолдирилиб, фурсат бўлиши билан адо этилиши мумкин. Иймон учун ҳеч қандай узрли сабаб билан бузилиб, кейинроқ бажариш рухсати йўқ. Намозсиз иймоннинг фойдаси бўлади. Бироқ иймонсиз намознинг фойдаси йўқ» (*Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадур. Т., «Ёзувчи», 1997, 34–35-бетлар*).

Демак, иймон инсоннинг маънавий дунёси ҳамда дунёвий амалларининг, хулқ-атворининг софлиги, беғуборлиги, абадийлигини таъминловчи ва қўриқловчи комилликнинг кафолатидир.

Жалолиддин Румий айтганларидай, «Иймон тўғри билан хатони, нақд билан нақлни фарқлай оладиган тамиздир» (*Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадур. Т., «Ёзувчи», 1997, 125-бет*). Ундан маҳрум бўлиш – бетамизлик аломатидир.

## АХЛОҚУ ОДОБГА НИМА ЕТСИН!

Комил инсон ҳақида гап кетганда ахлоқ-одоб тамойилларига ургу берилиши бежиз эмас. Нанки, инсоннинг инсонлиги, унинг онгли мавжудот сифатида ҳаёт кечирishi ва турмуш тарзи, табиат, жамият ва одамларга бўлган турли-туман муносабатларида биринчи ўринга унинг ахлоқ-одоби ўтиши ва ана шу инсоний ахлоқ чегарасида туриб муомала қилиши унинг тарихан ўз ахлоқий тушунча ва тасаввурларини бойитиб, кенгайтириб ва ривожлантириб келганидан далолат беради. Лекин одамзод ва унинг маънавий дунёси шунчалик кенг ва мураккабки, у айрим инсоний фазилатлар, кўникиш ва салоҳиятлари билан чегараланиб ёки белгиланиб қолмайди. У мураккаб жисмоний, ақлий ва руҳий муштаракликни тақозо этади.

Одамзод пайдо бўлгандан буён то шу бугунгача азалий ва абадий хусусият касб этган, ҳар бир миллат, элат, гуруҳ ва синфларнинг ўз касбий, миллий ва иқлимий шарт-шароитлари билан мувофиқлашиб қолган ботиний ва зоҳирий ахлоқ-одоб тамойиллари шаклланган бўлса-да, бу тамойиллар вақт ва замонлар гардини ҳам ўзига юқтирмай иложи йўқ. Абадий бир меъёрдаги ахлоқ-одоб ва ўзгармас табиат, инсон ва дунё бўлмайди.



Бу ўзгарувчанлик гоҳо тез ва аниқ, гоҳо асрлар давомида сокин ва суст юз бериши, Ернинг қуёш атрофида айланишини ҳеч ким аниқ тасаввур этиб, ўз кўзи билан кўриб турмаганидай, пировардида, ҳар қандай абадийлик ва турғунлик ўзгариш ва нисбийликнинг бошқа кўриниши эканлигидан дарак беради.

Ахлоқ-одоб тушунчалари жамиятни бошқарув тизимларига доимо асос қилиб олинган. Қайси тузум, қайси жамият ўз дастурлари билан чиқмасин, биринчи галда инсон ва унинг манфаатларига, ўзаро муносабатларига таъсир қилиш, уюштириш ва бошқаришни мақсад қилиб олган.

Динлар дунё ва охират ҳақидаги таълимотларгина бўлиб қолмай, одамларни қовуштириш ва бошқариш воситаси сифатида ҳам майдонга чиқди ва буни инсоний ахлоқ-одоб туйғуларини мустақамловчи тушунчалар орқали амалга оширади.

Мана шунинг учун деярли барча динларда баркамол инсон тушунчаси, одамзоднинг чин ахлоқий фазилатлари бир-бирига яқин ва ўхшаш талқин этилади.

Инжилда ўқиймиз: «Илоҳий амрларни биласан: зино қилма. Одам ўлдирма. Ўғирлик қилма. Сохта гувоҳлик берма. Ота-онангни ҳурмат қил... Мол-дунёси борлар Худо Шоҳлигига киришга нақадар қийналади! Бойнинг Худо Шоҳлигига киришидан кўра, туянинг игна тешигидан ўтиши осовроқдир» (*Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 190–191-бетлар*).

Инсоннинг ҳаёт ва охират оралигидаги яшаш тарзи, инсоний қиёфаси ҳамда вазифалари Қуръони Каримда асосий масала ҳисобланади.



Қуръони Каримда ёзилишича, «Оллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайгамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадойларга ва қулларини озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўкис адо қилиб, закот берадиган киши ва аҳдлашганларида аҳдларига вафо қилгувчилар ва хусусан, оғир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилгувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводорлардир» (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 21-бет*).

Шунингдек, одамларнинг еб-ичиши, мол-дунёларини сарф-харажат қилиши ва улардан баҳраманд бўлишида ҳаром ва ҳалоллик катта аҳамиятга эга. Ҳаром йўллар билан топилган, яъни инсоннинг ақлий ва жисмоний куч-меҳнат сарфига нисбатан кўп қийматли бойлик – нопоклик, ҳаромлик ёки жиноят натижаси бўлиши мумкинки, бундай давлат эгасига вафо қилмагай. Бундай ўзи оқиб келган бойлик бефойда сув каби қумга синггандай йўқ бўлиб кетади.

Аксарият ҳолларда ҳаром йўллар билан топилган мол-дунё одамлар кўзидан яширилади, одамзод манфаатларига сарф этилмайдди, умумхалқ ёки умумдавлат эҳтиёжларидан чеккада қолиб кетади ва пировард натижада миллат, ватан ва инсон камоли учун эмас, зарари учун хизмат қилади.

Инсон бойлиги одамларга қилинган яхшилик эвазига кўпайиб, одамлардан яширинган сари чириб



боради. Одамларга қачалик кўп нарса берсангиз, бойлигингиз шунчалик кўпаяди. Бойликнинг кўпайишини фақат ўз ҳамёнингизга тушганлари билан ўлчаманг, бойликни сарфлаш орқали, яъни бошқаларга бўлиб бериш, ҳадя этиш, хайрия йўлларида шлатиш орқали инсон ерга бир ҳовуч уруғ сешиб, бир қоп дон йиғиб олган киши ишини қилади. Бир ҳовуч донни баҳорда қизганган одам кузда ўзи ва бошқа ўнлаб одамларнинг ризқ-рўзи, бойлигини поймол этган бўлади.

Худди шундай ҳаром йўлда тўпланган дунё наинки бошқаларга, шу одамнинг ўзига ҳам вафо қилмайди. Инсон юрагининг бир парчаси бўлган бойлигини қанчалик асраб-авайлаган сари юрак-бағрида кулча бўлиб ётган илон – миннатни семиртириб боради.

Моддий бойлик қанчалик бошқалар ва жамият эҳтиёжини қондиришга сарф этилса, ўз кўришини, сифатини ўзгартирадью, йўқ бўлиб кетмайди. Ана шу тариқа зоҳирий мол-мулкларнинг эгасизланишидан инсон, миллат ва мамлакатларнинг ботиний бойлиги ҳосил бўлади.

Одатда судхўрликни ортиқча мол-мулк ва очкўзлик тугдиради. Судхўр билан қарздор орасидаги муносабатда қарздор руҳан эзилади, аммо судхўр маънавий ютқазади. Ўз вақтида қарзини узолмаган одамнинг изтироби қарзини ололмай ҳавотирда юрган одам бесаранжомлигидан фарқ қилади. Чунки судхўр зоҳирий бойлигини қайтариб ололмаётганидан ташвишга тушади, қарздор эса ваъдасининг устидан чиқа олмагани учун виждонан эзилади. Агар бу икки одам изтироблари

узоқ давом этса, судхўр ўз ҳақини ололмаганидан ўлмаслиги мумкин, аммо қарздор ўз қарзини узолмаганидан ичдан куйиб, тамом бўлиши эҳтимол.

Бундай пайтда гарчи муносабатлар илкида яхшилик қилган судхўр охир-оқибатда қотил ўрнига чиқиб қолади ва бўйнига гуноҳ тошини осиб олади. Бу ҳақда Қуръони Каримда ёзиладики, «Оллоҳ судхўрликнинг (фойдасини) йўқ қилади ва садақаларнинг (фойдасини) зиёда қилади. Оллоҳ ҳар қандай (судхўрликни ҳалол деб биладиган) кўрнамакни ва (судхўрлик қиладиган) жиноятчини севмайди... Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг. Агар билсангизлар (берган қарзингизни) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир» (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўшпон», 1992, 34-бет*).


Бозор муносабатлари туфайли судхўрлик ва қарздорлар анча кўпайиб кетди. Қарзлар асосан АҚШ долларини тарзида берилмоқда ва қайтариб олинмоқда. 10–20 фоиз миқдорда фойдасига қарз берувчилар қанчалик кўпайиб кетган бўлса, ўз қарзлари эвазига азоб-уқубатларга шунчалик гиррифтор бўлган оилалар ҳам бор. Булар кўпроқ савдо-сотиқ билан шуғулланувчилар орасида палак ёйган. Чет элдан мол келтирувчи қарзга доллар олиб кетади, қайтиб молни сотиб қарзини тўлагунча доллар нархи ошади ва фойда ўрнига зарар кўриб, тешик тоғорада сув ташимоқчи бўлган одам ҳолига тушиб қолади. Бунинг устига судхўрлар «разборка»га бериш одатини чиқарганлар. Бундай шахслар махсус гуруҳни ташкил этишиб, ҳам судхўрни, ҳам қарздорни шилиш билан шуғул-



ланадилар. «Разборка» қилинган кундан эътиборан уларнинг ҳисобига ҳам маълум фонз «ҳақ» йиғила бошлайди. Пировардида қарздор икки томонлама исканжага олиниб, иймонсизлар қўлида хонавайрон бўлади.

Судхўрлик ҳеч қачон яхши натижа бермаган. Судхўр қарзини вақтида олган тақдирда ҳам унинг юрагида текин ва осон пул топишга иштиёқ кучаяди, қарздор ўз вақтида берганидан хурсанд бўлсада, судхўрга нисбатан унинг қалбида ҳам хира туман пайдо бўлади. Ўртадаги илиқ муносабатлар бора-бора совиган чой ҳолатига келиб, яхшилик ва эзгулик ўрнини тамаъ ва тобелик сингари маънавиятга зид кечинмалар эгаллай бошлайди.

Шунинг учун халқимиз судхўрдан нафратланади, яхшиликни миннатсиз қилишга, хўжакўрсинга эмас, инсонийлик нуқтаи назарида бажо келтиришга даъват этади. Мабодо, бировга қарз беришга тўғри келганда, аввало, ўз рўзгор ва тирикчилигидан ортиб қолган маблағ ҳисобидан ёрдам бериш ва буни қарз берган кундан бошлаб унутиб юбориш иноятли фазилат ҳисобланади. Мулоқотда бўлган одамни хижолатдан чиқариш ҳам катта неъмат. Халқимизнинг иймонли вакиллари бировга қарз берганда «топганда берасиз» деб қўшиб қўядиким, бу билан ўзини ҳам, қарз олган кишини ҳам хижолат ва руҳий безовталиқдан асраб қолади. Бундай муносабатларга асосланган қарз бериш ва қайтариш оғир кечмайди. Аксинча, ўртадаги қариндош-уруғчилик, дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаб боради.



Шу маънода қарз эҳсонга яқинлашиб қолади. Эҳсон этилган нарса эсланмайди, миннат қилинган ёрдам эҳсон саналмайди. Эҳсоннинг катта-кичиги йўқ. У инсоннинг иккиланмасдан қалб амрига бўйсинишидир. Бинобарин, «суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшликка (жаннатга) етмагайсиз». (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 44-бет*).

Чунки яхши одам ўзига раво кўрмаган нарсани бировга тиламайди. Ўзи суйган нарсани бошқа одамга ҳолис ният билан узатмоқ эса кишидан бегараз маънавий балоғат талаб этади. Бундай бегараз эҳсонгина инсон яхшилиги ва саодатидан нишона бўлиб кўзга ташланади.

Иймонли одамлар қарз бериш ва олишда ниҳоятда хушфезълли ва тўғри сўз бўладилар. Қарз берган иймонли одам қарзини қанчалик тез ёдидан чиқариб юборса, қарздор иймонли одам шунчалик қарзини эсидан чиқармайди. Ҳаётда жуда кўп марта қарзини олиб келиб топшираётганда «Узр, анча вақт ўтиб кетди, қарзини вақтида олиб келолмадим, энди мавриди келган экан, олиб қўйсангиз», деган пайтларда иймонли одамлар орасида жуда кўп нозик муносабатлар кечади.

Кўпинча қарз берган иймонли одам омонатни ийманибгина олар экан, ҳатто уни санаб ҳам кўрмайди, худди қарздор менга ишонмаяпти, деган мулоҳазага бормасин деган маънода омонатни аста бир чеккага суриб қўяди. Қарзини олиб келган киши баъзан «топиб олсанг ҳам, санаб ол» дегандай омонатини эгаси санаб олишини ичидан




хоҳлаб турсада, унинг бу илтифотидан ўзи қарз пулини санаб олганини эслаб, ичидан эзилиш ҳоллари ҳам бўлади.

Қарз бериш ва олиш мол бозоридаги савдо эмас. Мол бозорида талашиб-тортишиб келишилган савдо охири «Рози бўлинг» сўзлари билан яқунлайди. Ана шу «Рози бўлинг» сўзлари иймонни тинч-лантириш учун айтилади. Розилик иймонли келишув аломатидир.

Покдомон одамлар ҳар хил бўлганидай, иймонсизлар ҳам турли-тумандир. Қуръони Каримда «Оллоҳ, иймонсиз кимсаларга разолатни (ғолиб) қилур» дейилган (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 95-бет*). Иймонсиз одам бировнинг ҳақидан ҳазар қилмайди. Ўғрилик, муттаҳамлик, қаллоблик иймонсизлик оқибатидир. Разолат, пасткаш одамларда иймон бўлмайди. Нима бўлса ҳам ўзим бўлай дейдиган, одамлар иймонни сотишга одатланиб қолади. Тошу тарозидан уриб қоладиган қас-соблар, қўли эгри дўкон аҳли бировнинг ҳалол мол-мулкига, хотин-қизларига кўз олайтирадиган нусхаларда иймон эмас, жиғилдон бўлади.

Иймонсизлик шарм-хаёни, ахлоқ-одобни, меҳр-оқибатни унутишга олиб келади. Инсон юрагида разолат уруғи илдиз отгач, бундай одам бу дунёни ҳам, у дунёни ҳам унутади, унинг кўзи иймон нури билан эмас, ҳасад алангаси билан ёнади. Разолат баданини чирмаб олган одамнинг умри қумга тўкилган сувдай кечади.

Иймонсизларни нима ва қандай ҳолатлар рағбатлантириб туради, деган савол туғилади. Аввало,



андишанинг отини қўрқоқ қўйма, деган мақолга эътибор берайлик. Андишали одам иймонсиз кўз ўнгида доимо қўрқоқ туйилади. Бирор одам иймонсизларча иш тутса, бошқа иймонли одам ўзини шунчалик оғир ва андишали тутади. Бу нарса иймонсизни янада кўпиртиради ва ғайратига ғайрат, нафсига қанот бағишлайди. У ҳужумни, зугумни кучайтиради. Иймонли одам чекинган сари, ўз инсонийлиги ва олижаноблигини кўрсатган сари иймонсиз бостириб кела бошлайди. Бундай ҳолатларни бошидан кўп мартаба кечирган иймонсиз бунга ўрганиб қолади ва ўз ҳаёт тарзини худди шундай хатти-ҳаракат эвазига қуришга одатланади.

Иймонсизларнинг ҳаётда ўз феълига яраша қаршиликка учрамасликлари уларни пировард оқибатда жаҳолат ботқоғига судраб кетади. Бундай кишиларнинг умр кўзи эгаси кўчиб кетган ҳовлидай ҳувиллаб, одамлар меҳри ва садоқатидан маҳрум бўлган қутирган итдай беҳаловат ўтади.

Одамлар орасида одамгарчиликдан, иймондан жудо бўлиб яшашдан ёмони йўқ. Бундай шахсларни одамлар ҳурмат қилмайди, улардан ёввойи ҳайвондан қўрққандай қўрқади, уларга раҳм-шафқат қилмайди, улардан нафратланади, улар билан мулоқотдан ижирганиб, ўзини олиб қочади. Бироқ инсонийлик нуқтаи назаридан, уни ҳам бир муштипар она туғиб, ўстириб вояга етказиб, яхши дуою ниятлар қилгани учун мурсою мадора қилишга мажбур бўлади. Одамлар букриларни гўр тўғрилагини билсалар-да, унинг одам боласи эканлиги учун ўз давраларидан қувиб чиқармайдилар. Шунинг учун



хам улар иймонли, саодатли одамлардир. Чунки бу дунёда яхшию ёмон, қотилу ботир, ифбатлию зинокор, бузувчию тузувчи учун ўрин бор. Бировнинг гўрига биров тушмайди, бировнинг кийими бировга ярашмайди. Қуръони Каримда «Ҳар бир жоннинг қилган гуноҳи фақат ўз зиёнига бўлур» дейилган (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 99-бет*).

Кенга кенг дунё, торга тор дунё деб, шунини айтадилар.

Шу ўринда ёмон одамнинг ёмонлигига сабаб, иймонсизга сабр билан муносабатда бўлишнинг ҳикматини таъкидламоқ жоиз. Ёмонга ёмонлик билан феъли бузуқ одамлар жавоб қайтарадилар. Яхши одамнинг ёмонлиги унинг яхши фазилатларининг давоми бўлади. Инжилда ҳам бунга ишора бор: «Бир чекканга сўққанга иккинчисини ҳам тут. Тўнингни олгандан кўйлагингни ҳам аямагил... Бошқаларни ҳукм қилманг, сизлар ҳам маҳкум бўлмайсиз... Чунки сизлар қандай ўлчов билан ўлчасангизлар, худди шундай ўлчов сизларга ҳам татбиқ этилади» (*Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 150–151-бетлар*).

Ёмон одамдан яхшилик кутиш амри маҳол эканини ўз тажрибаларида синаб кўрган халқ бекорга «Отангни ўлдирганга онангни бер», деб мақол тўқимаган. Қўлидан ҳар қандай ёмонлик келувчи одамдан яхшилик кутиш қорни ёқиб, танча иситмоқчи бўлиш билан баробардир.

Ёмонликни ёмонлик билан даф этиб бўлмаганлиги учун ёмонлик ва ёмон одамларга жавобнинг

хам ўз амаллари бор. Ёмонликка биринчи жавоб паймонли сукут ва «чиройли сабр»дир. «Балонинг биринчи зарбаси пайтидаги сабргина чин сабр»дир, дейилади Қуръони Каримда (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 159-бет*).

Бу оятда теран маъно мавжуд. Ёмонлик кутилмаган пайтда инсон бошига тўқмоқ бўлиб тушганда, ёмон одам паймонсиз хатти-ҳаракат қилганда тухмат ва ифво тифлари одамзод юрак-бағрини тилкапора қилиб юборганда ва ҳоказо пайтларда инсоннинг ўз паймонига таяниб, ўзини тутishi ва ҳақиқат унинг томонида эканлигида қатъий ишонч билан «чиройли сабр» қилиши балонинг дастлабки зарбасини қайтарибгина қолмай, охир оқибатда, уни саодат неъматларига ҳам мушарраф этади. Сабр таги олтин, деб бежиз айтмаганлар. Бесабрлик эса инсон фароғати гулшанига талваса соясининг тушишига олиб келади.

«Сабр деб мусибатга йўлиққан аввалги дақиқаларда ўзини ушлашга айтилади» дейилади Муҳаммад Пайғамбар ҳадисларида (*Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 69-бет*).

Балонли кунларда чиройли сабр қилувчи одам сафоли дамларнинг қадрига етгувчидир. Шукр камда кўни, кўнда хўни кўрмоқда. Шукр ҳасад ва очкўзликдан фориғ инсон табиатининг чиройли амалдир.


Шукр қилмаслик бахилликни туғдиради. Бахиллик, наники бошқа одамга ҳасад қилишни, хатто ўзидан аяшни, ўзининг ҳам одамдай яшаб

Ўтишига ҳалал берувчи одатни вужудга келтирадн.

Бахил одамнинг кўнгли доимо қоронгу. Уни на гўзал манзара, на гўзал сўз, на гўзал хулқ қувонтиради. Ўздан ташқаридаги ва унга шахсан алоқасиз бўлган ҳар қандай маънавий жавоҳир унинг бахиллигини қўзғайди, ичига ўт ёқади, пировардида бахти, қувончи, бойлигн ю муваффақиятидан тинчини йўқотади, ўрни келса, бировнинг ҳам тинчини бузади.

Бахилликнинг қўринишлари турлича: кимдир бошқа биров ҳақида тухмат сўз тарқатади, кимдир мулоқот асносида кесатиқ ё камситувчи иборалар ишлатади, кимдур ифво тўқийди, кимдир ўзини ҳақиқатпарвар ёки адолатпарвар қилиб кўрсатмоқчи бўлиб, очикчасига хужумга ўтади, таниши, қўни-қўшни ё ҳамкасби устидан бўхтон тарқатади. Бундай одам бахиллигини қанчалнк хаспўшлаб яширгани билан ўздан-ўзини яшира олмайди, ич-ичидан ўзини емпирб-кемпирб боради. Бахиллик инсон шахсини маънавий таназзулга олиб келади. Бахиллик – такаббурликнинг бе-самар яшаш тарзидир.

Бахиллик билан исрофгарчилик инсон табиатидаги мувозанат посангисининг, меъёр туйғусининг бузилишини ифодалайди. Қуръон Каримда баён этилганидай, «(Бахиллик билан) қўлнингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. Исрофгарчилик қилиш билан уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг. Акс ҳолда маломат ва надоматда қолурсиз» (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992. 198-бет.*)



Бинобарин, бахиллик қизғанчиқлик, ичиқора-  
лик аломати бўлса, исрофгарчилик ҳам манман-  
лик ва такаббурлик белгиси ҳисобланади.

Исрофгарчиликни ҳеч нарса билан изоҳлаб  
бўлмайди, унга ҳеч нарса баҳона бўла олмайди.  
Қаерда исрофгарчилик рўй берган бўлса, шу жойда  
ё кибру ҳаво табнатли одамнинг мақтанчоқлиги,  
ё бели оғримай тошилган давлатнинг беҳосият  
сочилиши рўй беради. Исрофгарчилик камтарлик-  
нинг тескариси, инсонпарварликка ва тўқин-со-  
чинликка хилофдир.

Агар бағри кенглик, қўли очиқлик ва тўқин-  
сочинлик инсоннинг яхши фазилатларига гувоҳ-  
лик қилса, исрофгарчилик ва бахиллик нокаслик  
ва ноқусликдан дарак беради.

«Ер юзида кибр-ҳаво билан юрмагил! Чунки  
сен (оёқларинг билан) ҳаргиз ерни тешиб (уни ту-  
бига) кетолмайсан ва бўйи-бастда тоғларга етол-  
майсан» (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар*  
*муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992,*  
*198-бет).*

Ер депсиниб, қўл силтаб кимлигингни унутма,  
Кибру ҳаво айғирининг жиловидан тутма.  
Инсон зоти тақимга босилган улоқ эмас,  
Майдонда бақирганмас, елдай учган ўқ эмас.

Наинки, Фузулий ёзганларидай, «Қамишни  
қўрмадингму, бош кўтардию қиё бўлди, баланд  
учган билан зоғу зағал аслида ғоз бўлмас». Хал-  
қимизда камтарга – камол, манманга – завол, де-  
ган мақол бор.



Мақтанчоқ ва такаббур кимсалар бировларга ақл ўргатишга ва бировларнинг айбини топишга одатланиб қолади. Бундайларга қарата «Инжил»-да «Сен нега биродарингнинг кўзидаги зирапчага қарайсану, лекин ўз кўзингдаги ходани сезмайсан» дейилган (*Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 151-бет*). Ҳадеб бировларга тош отадиган, яхши одамлар устидан ифво тарқатадиган, ҳасад тўшагида плондай тўлғанадиган кимсалар панд-насихатларни қабул қилмайдилар. Бундай қайсарлик ва ўжарлик инсон табиатидаги ноқуслик эканини билмайдилар. Қуръони Каримда «Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина панд-насихат олурулар», деб ёзилган.

Насихат олмоқ учун одам боласининг қулоғи ва кўнгли очиқ бўлиши керак. Агар қулоқ тутилсаю, кўнгли эшиги берк ёки бузуқ бўлса, бундай кўнглига доно насихатлар калити тушмайди. Ҳар қандай доно насихат ҳам бундай одамларга оғу бўлиб туюлади, чунки унинг ўзи оғу тарқатувчи бўлгани учун ҳамманинг гапидан гумон, ёмонлик излайди.

Панд-насихат пок иймонли, ўсиш ва улғайишни ҳаёт тарзининг мезони деб билган, ақли ва фаросатини юксалтириш ғамида бўлган одамларга оғир ботмайди. Узоқ вақт мобайнида турли шарт-шароитлар ва шахсий маънавий таназуллар оқибатида шаклланиб, ўз ақл-заковатини ёруғлик сарфи эмас, тасаввурнинг қоронғу кўчаларига буриб юборган одамларда насихатни қабул қила олмаслик, танқидга чидамаслик одатлари шаклланиб қолади. Бундай одамлар фақат ўз фикри ва

қарашидан бошқа ҳақиқат йўқ, деб биладилар, панд еб қолган пайтларда ҳам бировни айбдор биллиб, ўзини-ўзи оқлаб юрадилар. Уларга маслаҳат берган ёки уларнинг гапига кирмаган одам душман сифатида идрок этилади.

Ҳаётда бундай нусхалар камдан-кам учраса ҳам ўз қотиб қолган ва букилмас хатти-ҳаракатлари билан Оллоҳ таоло берган жисмоний куч-қувватини ёмонлик ва разолат йўлига сочиб, мўмин ва иймонли одамлар бошига бало тошларини отиб юрадилар. Одам зотига бегона бу нусхалар ўз умрини шайтон васвасалари йўлига тикиб ўтадилар.

Иймонсиз одамларнинг яхшилар тинчини бузиб, ўзининг ва бошқаларнинг ҳаётини хуфтон қилиб юришлари бор экан, бундай шахсларнинг таҳқирловчи кинояларига, бўҳтон ва надоматларига қандай ва қачонгача чидаш мумкин, деган савол туғилади. Андишанинг отини қўрқоқ деб биладиганларга ҳисоб-китоб ва жавоб борми?

Дунёвий қонун-қондалар нуқтаи назаридан бундай шахслар жавобгарликка тортилши, фуқароларга етказган моддий ва маънавий зарари учун уларга жарима солиниши мумкин. Лекин одамзод мнинг йиллар мобайнида ширинмағиз даянақлар ёнида аччиқ мевалар ҳам бўлишини кузатиб, уларга бўлган муносабат ва муросяю мадора чораларини ҳам излаб келади. Қуръони Каримда шундай ҳикматлар ёзилган: «Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ҳар қандай ёмонликни) энг гўзал сўзлар билан дафъ қилинг... Унга (ёмонликни яхшилик билан дафъ) қилиш хусусиятига фақат сабр-тоқатли зотларгина эришурлар, унга



фақат улуғ насиба эгасигина эришур» (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 354-бет*).

Дарҳақиқат, покдомонлик билан нопоклик кучи ва таъсири баробар эмас. Покдомонлик доно тамаъсиз, соф қалбнинг табиий нури бўлиб, одамларни бир-бирига боғловчи ва чорловчидир. Нопоклик эса кибр-ҳаволи одамларнинг бадбахт феъли-атвори туфайли қариндошни уруғдан, қўшнини ҳамсоядан, дўстни биродардан ажратувчидир.

Одамзод ўз табиатига кўра покдомонлик нури қўйнида яшашга даъват этилган бўлса-да, нопоклик зулмат қопқонида ҳам нурга кўз олайтиради. Одамлар нопокликдан ҳазар қилиб, бундай кимсалардан нарироқ юришга, охири иложи бўлмагач, уни яхшилик билан дафъ этишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун нопок иймонсизлар охири ўз оёқлари билан жаҳолат қаърига гарқ бўладилар.

Покдомонлик инсон учун яшаш ва тараққиёт гарови бўлса, нопоклик маънавий таназзул белгисидир. Чунки Қуръони Каримда айтилганидай, «Ким бирон яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса, ўз зиёнига қилур... Эй, инсонлар, сизларга не бир мусибат етса, бас ўз қўлларингиз қилган нарса – гуноҳ сабабли етур» (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 356,360-бетлар*).

Яхшиликнинг чегараси бўлмагандай, нопоклик ҳам жавобсиз қолмас. Ҳар бир нопок одамнинг ўз жазоси, кушандаси мавжуд. Ана шу жазо соати



келмагунча, ўз кушандасига йўлиқмагунча у ёмонлик қилиб юра беради. Ҳар нарсанинг боши ва охири бўлганидай, иймонли, виждонли бўлишнинг боши ҳам, охири ҳам покдомонлик ва саодатмандлик гунчасини туғдирса, нопокликнинг пбтидоси ҳам охири инсонни разолат ўпқонига тортгусидир.

Ёмонлик ҳамманинг қўлидан келади. Бироқ уни ҳаддидан ошган одамларгина қиладилар. «Фақат одамларга зулм қиладиган ва ерда ноҳақ ҳадларидан ошадиган кимсаларни (айблаш ва зулму зўравонликлари учун) жазолашгагина йўл бордир» (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 361-бет*).

Қуръони Каримнинг «Хужурот сураси»да фиқу фасод, гийбат нопок одамларнинг сифатлари тарзида зикр этилади. «Эй мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир! (Ўзгаларнинг айблари ортидан) жосуслик қилиб юрманглар ва айримларингиз айримларни гийбат қилмасин. Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарларининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана ёмон кўрдингизми. (Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган гийбатни ҳам ёмон кўрингиз)» (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 391-бет*).

Гийбат ўзи нима? Бу тўғрида пайгамбаримиз шундай деганлар: «Гийбат биродарингнинг эшитса хафа бўладиган томонини гапиришингдир» (*Муҳаммад пайгамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 96-бет*).

Демак, бир мўминнинг ортидан унда бўлмаган айбларни унга нисбат бериш гийбатдан ҳам ўтиб тушган иймонсизлик экан, исломда бу ниҳоятда катта гуноҳ ҳисобланади.

Тухмат, фисқу фасод, ноҳақ гумонсираш, гийбат бировни ўлдиришдан да ёмонроқдир, деган эди Муҳаммад пайгамбар.

Ҳаётда мисоллар жуда кўп бунга! Гоҳо билмасдан гумонсираш оқибатида одам кўнглини нақадар чўктириб юбориш мумкин. Бир ишхонада шундай воқеа рўй берган. Хизматчи эрталаб келиб стол ғаладонини очиб кўради-да, кечаги маошини қўйган жойи-дан топа олмайди, ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлайди. У келганда хонани йиғиштириб чиқиб кетган фаррош аёлни эслайди ва балки шу олгандир, деб гумонсирайди. Бироздан сўнг бошқа хоналарни йиғиштираётган фаррошни чақириб, аввал ғаладонда пул кўрмадингизми, деб сўрайди. Унинг йўқ деган маънодаги бош тебратиши ва ранги-рўйи қув учиб кетганидан яна гумон хуружга минаиб, «Сиз олмасангиз ким олади», деб юборади. Фаррош аёлнинг бир зумда елкалари чўкиб, кичкина қомати ерга михланиб қолади, пулни кўрмагани, бинобарин, олмагани ҳақида болаларни ўртага қўйиб қасам ичади, сўнгра бир замбил бўлиб чиқиб кетади.

Хизматчи ҳам кечгача ўзини қўярга жой тополмай юради ва уйга қайтгач, кеча кийган костюмининг чўнтагидан маошини топади. У эртаси куни ишга барвақт келиб, хоналарнинг биридан фаррошни топиб «Кечирасиз» дейишни билади, аёл овозининг борича ҳўнграб юборади ва юзини



қўлидаги пол латта билан ўраган ҳолда ўзини йўқотиб қўяди. Хижолат, илтижо ва узрлардан ўзига келган фаррош аёл уйдан пул олиб келгани ва стол тортмасига солиб қўймоқчи бўлгани ва фақат йўқолган пулнинг қанчалигини билмай боши гаранг бўлиб турганини айтганда хизматчи уялганидан ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолади.

Ғийбат ҳам худди шундай оғир дард. Ғийбат бировга орқадан келиб пичоқ уриш билан баробар. Ҳақ гап очик, тўғридан-тўғри одамнинг юзига айтилади. Ғийбат эса орқадан, яширинча ва ёмон ният билан айтилади. Баъзан икки-уч киши биров ҳақида яхши-ёмон гаплашиб ўтирганда шу одам келиб қолади. Шунда бирдан «Э, келинг, келинг, энди сизни ғийбат қилиб ўтирган эдик», дейдилар. Агар бу «ғийбат» ҳақиқий ғийбат бўлмай, бу одамнинг яхши фазилатлари ва беозор табиа-ти хусусида бўлса, «ғийбат» унинг юз-кўзида ҳам давом этаверади. Бундай эслаб ва ибрат тарзида айтиладиган гаплар бировни камситадиган ва ёмонлайдиган ғийбатлардан тамомила фарқ қилади.

Ана шу тарзда одамлар ўзларининг феъл-атвори, ақлу фаросати, иймон-эътиқоди, покдомонлиги ва нопоклиги, «Авесто»да ёзилганидек, эзгу фикрат, эзгу калом ва эзгу амалларга нечоғлик ошуфта ё бегоналигига қараб ахлоқли ва ахлоқсиз, яхши ва ёмонга ажраладилар.

## ЯХШИ ВА ЁМОН ОДАМЛАР

Инсоният пайдо бўлибдики, одамларнинг феъл-атвори, тарбияси, ақл ва иқтидорига қараб, одил ё золим, уқувли ёки уқувсиз, вафодор ёки бевафо, ваъдасида турувчи ёки ваъдасидан тонувчи, қўли очиқ ёки хасис, ботир ёки қўрқоқ, тўғрисиўз ёки гийбатчи, дўст ёки душман, қисқаси, яхши ёки ёмонга ажратишган.

Яхши одамларнинг фазилатлари бир-бирига ўхшаб кетса-да, яхшилик ва сахийлик, олижаноблик ва покдомонликнинг ҳам ўз меъёр ва белгилари борки, уларни ҳар бир мўмин инсон қулогига қўймоқ, дилига жо айламоқ халқимиз адаб дарси ва тарбиясининг асосини ташкил этади.

Бировга яхшилик қилиш, бировнинг кўнглини олиш, хайр-эҳсон қилишнинг ҳам чегараси, ўзига хос шарт-шароитлари мавжуд. Таъна қиладиган сахийдан қўли очиқ гадоё яхши. Сахийликка илашган таъна қулоққа ёқмас нағма кабидир.

Одамзод бир-бирининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириши эвазига ўзаро боғлиқ бўлади. Ўзаро ёрдам инсон такомилли белгиларидан биридир. Бунда ёрдам берувчининг муруввати ёрдам олувчининг қувончидан юз карра юқорироқдир. Ёрдам олувчи икки қўлини чўзса, ёрдам берувчи бир қўлини узатади.



Маънавий камолот белгиларидан бири ёрдам берувчининг ўз вазифасини бажаргандан кейинги қоникши туйғусидир. Ёрдам олувчи толиқишдан қутилганидан қувонса, ёрдам берувчи бировнинг хожатини чиқарганидан завқланади. Ана шунинг учун ёрдам берувчи хатти-ҳаракатида маънавий кечинмалар кўпроқ бўлади. Ана шу маънавий куч туфайли инсон ҳатто катта қийинчиликлар ва азоблар эвазига қўлга киритган мол-дунёсини осон ва енгилгина бировларга тортиқ айлаши мумкин.

Яқин-узоқ кишиларга бундай ёрдам бериш хосияти ҳақида Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида бундай ёзилади: «Нафақа беришни ўзингдан бошла! Агар ортса, оила аъзоларингга сарфла, агарда улардан ҳам ортса, қариндошларингга сарфла. Агар қариндошларингдан ҳам ортса, шу йўсинда аввал яқин, кейин узоқларингга сарфлай бер» (*Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 51-бет*).

«Нафақа беришни ўзингдан бошла!» ҳадиснинг маъноси шундаки, инсон аввало ўз камол ва жамоли, ақли ва шуури, эътиқоди ва эҳтиёжи, имконияти ва иқтидори йўлида ўзига ўзи «нафақа» бериб, яъни жисмоний ва маънавий қайғуриб, оёққа туриб олиши керак. Аввал ўзини ўйлаб, бировларнинг оғирини енгил қила олиш даражасига етмаган, яхшилик белгиси деб, ўз умрини фақат бировлар манфаати йўлида зое кетказадиган одамнинг келажаги бирор жойда тўхтамай, қумлик сари йўналтирилган ариқ тўла сувга ўхшайди.



Кўнгли, ақли, руҳи ва жисмига аввал «нафақа» бериб камолот нурига етишган одамгина бировга ёрдам бера олиш имкониятига эга бўлади. Ана шундан кейин унинг «нафақа»си яқин биродарлари, узоқ қавмлари ва бошқалар учун йўналтирилса, савобли неъматга айланади.

Оч одамдан кутма мурувват, бешафқатдир мурувватсиз зот. Йўқликка ҳам, бойликка ҳам шукр қилиб яшаш инсон умрини узайтиради, йўқни йўндириб, борни тўлдириб яшашга ўрганиш одам табиатини инсонийлаштириб боради. «Эй одам боласи, – деб насиҳат қилади Муҳаммад пайгамбар, – кифоя қилгудек ризқинг туриб, ҳаддингдан оширадиган молни истайсан. Эй одам боласи, озга қаноат қилмайсан кўпга ҳам тўймайсан. Эй одам боласи, тонг отиб кўз очаркансан танинг сихат, оиланг тинч, бир кунлик таомнинг бўлса бор, ортиқча бойлик исташни қўй» (*Муҳаммад пайгамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 51–52-бетлар.*)

Бу ҳадис одамларни дённатли қаноатга ва қаноатли фароғатга чорлайди. «Яхши ким, ёмон ким эканини айтайми? Кишиларга ёмонлиги тегмайдиган киши яхши» (*Муҳаммад пайгамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 75-бет.*)

Бу ҳикматда гап кўп. Билиб-билмай бировларга ёмонлик қилиб қўйиш мумкин, билиб туриб ёмонлик кўзловчилар ҳам бор. Ёмонлик бошқа одамга озор етказиш, бировнинг тинчлигини бузиш, насибасини узиш демакдир. Ҳаётда шундай одамлар ҳам борки, қўлидан яхшилик келмаслиги ёки яхшилик қилишни истамаслиги, ўзини аяб безовта бўлишни хоҳламаслиги туфайли бошқаларга



унчалик нафи тегмайди. Бундайлар ҳам барибир яхши одамлар сирасига киради. Чунки улар бировга ёмонлик қилмайди ёки ёмонлик кўзламайди.


Ёмонлар, биринчи навбатда, бировга ёмонлик қилганидан роҳат оладилар, ичида ҳам, ташқарисида ҳам «ҳа, қалай, боладимми» деган маънода завқланиб юрадилар. Бир ифвогарни тегishi ташкилотларга чақириб, мулоимлик билан «Ахир, шу ёшга етиб қолибсиз, умр бўйи бошқалар устидан ёзасиз, комиссиялар тузилади, қанчадан қанча одамлар сарсон бўлади, охири ёзганларингиз тасдиқланмайди, шуларнинг ўрнига дўшмини қўйиб халққа, илмга фойдали бирор нима ёзсангиз бўлмайdimми?» – деб сўраганларида, у дарғазаб бўлиб: «Авалло мен шунақа нарсаларни ёзиб роҳатланаман», деб жавоб берган.

Тўнғизни қанчалик эркалаб, ювиб-тараб тозаламанг, барибир балчиққа ағанамаса, кўнгли жойига тушмаганидай ёки итни қанчалик тўйдирсангиз ҳам ўз қусуғини ялашдан қайтмаганидай ёмон одамларнинг ичидаги газаб, нопоклик ташқарига чиқиб турса ҳам, яна унинг ўрни тўлиб қолаверади. Ичиқоралик, бахиллик газабни тугади, газаб эса жаҳолатни вояга етказди.

Бировларга кўра-била туриб ёмонлик қиладиган одам иймонини ютган, инсоний қиёфасини йўқотган шахслардир. Бундай одамлар маънавий саёз одамлардир.

Яхши ва ёмон одамлар фақат ўз қилмишлари билан кўзга ташланади. Ёмонлик ва яхшилик қалбада яширин ётиб, фақат ташқи оламга кўчиб ўтгандан кейингина ошкор бўлади. Ёмонлик газаб ва





разолат меваси сифатида фақат қабохат боғида ўсади. Наинки, «Кимки ёмонлик қилиб юрса, нурни ёмон кўради, ёмон қилмишлари фош бўлиб қолмаслиги учун нурга қараб юрмайди. Кимки ҳақиқат йўлини тутса, нурга қараб юради...» (*Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 221-бет*).

Хушхулқлик ҳар бир инсоннинг қалб чироғи. Одамнинг кўзи ожиз бўлса ҳам қалб чироғи равшан эрса у дунёни, дунё ёруғликларини кўради, пчиқора, очкўз одамнинг кўзи фақат тупроққа тўлгандагина тўяди.

Ёмоннинг йўлдоши бўлмас, йўлдоши бўлса-да қўлида оши бўлмас. Ёмон одамларнинг дўстлиги тонг-ги шабнам томчиларининг мавжига ўхшайди. Кун чиқиши билан шабнам зарралари буғланиб кетганидай, ёмоннинг «яхшилиги» узоққа бормайди.

Яхши одамларнинг топишиши ҳам, ажралиши ҳам оғир кечади. Синаб топилган дўстликнинг ришталари бақувват, дардлашиб, сирлашиб юрган одамлардан узоқлашиш қийин бўлади. Агар ёмон одамларни таъма яқинлаштирса, яхшиларни беминнат олижаноблик жиқслаштиради. Фарзали ният орқали топишган одамлар ниятлари ушалгач, тез тарқалиб кетадилар, руҳан яқинлашганлар эса бир-бирларининг маънавиятидан баҳраманд бўлгани сари тобора жиқслашиб борадилар. Покдомон руҳ ҳеч қачон қаримаганлиги, эскирмаганлиги ва ўлмаслиги учун унинг орқасидан келувчи дўстлик, биродарлик, маънавий ахлоқий яқинлик ҳам безавол яшайверади. Муҳаммад пай-



гамбар ҳадисларида айтган: «Рухлар аскарлар жамоасига ўхшайди. Хулқи, табиати бир хил бўлганлари ўзаро улфатлашади. Ҳар хил табиатли бўлганлари бир-биридан қочади» (*Муҳаммад пайгамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 76-бет*). Бинобарин, одам боласининг яхшилигининг хушхулқи, табиати билан белгиланади.

Одамнинг яхшилиги тасодиф ёки атайин қилинган олижаноблик билан ўлчанмайди. Ёмғир ёғиб турган пайтда тарновдан оққан сувга умид қилиб, уни чашма деб бўлмайди. Ёмғир тинса у ҳам тўхтайдди. Худди шундай минглаб чироқлар йўлни ёритган билан қуёш нурининг ўрнини босолмайди.

Фазилатлар ёки қусурлар йиғиндиси инсонни ё яхши, ё ёмон дейишга имкон беради. Одам табиати тоғдан топилган бир бўлак жавоҳирга ўхшайди. Бу бўлакда кўпроқ бўлган нарсага қараб унинг баҳоси ва аҳамияти белгиланади. Худди шундай одам боласи ҳам ўз табиатида ҳайвонийлик ё олижаноблик, пасткашлик ё улуғворлик, қўрқоқлик ё дадиллик каби мураккаб сифатларга эга. Бундай хусусиятларнинг қандай меъёردа жамланиши ёки намоён бўлиши бу одамнинг кимлиги ва қанақалигини кўрсатади.

Муҳаммад пайгамбар яхши одамларнинг яхшилиги турли вазият ва сифатлар орқали намоён бўлишини кўрсатиб айтадилар: «Камчилиги йўқ ҳолда камтарлик қилган, муҳтожлиги йўқ ҳолда ўзини кичик олган, ҳалолдан жамғарган молини яхшиликка сарфлаган, илму ҳикмат эгалари суҳбатига аралашган, фақир бечораларга раҳмдил бўлган одамлар қандай яхши?!



Ўзини кичик олган, дили тоза, касби ҳалол, ташқи кўриниши (қилмишлари) савобли, одамларга ёмонлиги тегмайдиган киши ҳам қандай яхши! Илмига амал қилган, молининг ортиғидан сарф қилган, сўзининг ортиғини ушлаб қолган киши ҳам қандай яхши!» (*Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 93-бет*).

Лекин бир бўлак хамиртуруш катта хамирни ачитиб юборганидай, нопок табиатли битта одам ҳар қандай катта жамоага ортиқчалик қилади. Наинки, ҳаддидан ошган одамни тиймоқ тоғорадан тошган хамирни тўхтатиш деган гап эмас.

Ёмон одамларнинг ёмонлиги уларнинг тили, феъли-атвори, муомаласи ва хатти-ҳаракатларида кўринади. Ҳар қандай жоҳил табиатли одам ҳам ўз ёмонлигини яширишга, ташқаридан қараганда ўзини «бошқача», сипо ёки ҳалим этиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Ўзаро мулоқот пайтларида гоҳо бақириб-чақириб, дағал сўз отиб қўядиган одамнинг маданиятсизлиги унинг ёмонлигини белгиламаганидай, айёрона сиполик ҳам яхшилиқ аломати бўлмас. Ёмонлик дил қаърида илдиз отиб, бу илдизнинг энг юмшоқ ва заҳарли меваси тилда ва амалда намоён бўлади.

Тўғрисиўз, мард одамларнинг тили «аччиқ» бўлгани билан қалби юмшоқдир. Ичи қора одамнинг атрофингда кўшпакдай парвона бўлиб қўлоёғингни ялагани билан кези келганда сенга отадиган тухмат тоши оғир ботади. «Инсонни танимоқчи бўлсанг, – дейди Ж. Румий, – уни гапга сол: сўзидан унинг ким эканлигини билиб оласан?» (*Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадур. Т., «Ёзувчи», 1997, 41-бет*).



Одамнинг қаҳ-қаҳлаб кулиши унинг кўнгли очиклигини билдирмаганидай инсоннинг босиқ ва оғирлиги унинг қўрқоқлигини ҳам англамайди. Ёмон одам ҳақида хулоса чиқармоқ учун унинг бир ёки бир неча бор такрорланувчи ва одат тусига кириб қолган амалларини кузатмоқ зарур.

Муҳаммад пайғамбар «Кўп кулма, чунки кўп кулги дилни ўлдиради», дейди (*Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 52-бет*). Умуман хушчақчақлик инсон аъзон бадани, руҳий оламини яшнатиб юборади, одамнинг чигал томирлари ечилади, кўнгли очилади, баҳри дили самовий кенглик кашф этади. Бироқ суҳбатдошига ёқадими, йўқми бир гапириб, бир кулиб ўзидан-ўзи завқланиб юрадиган одамларни учратиб қолиб ҳақиқатан бундай одамларнинг «кўнгли ўлган» деган фикр пайдо бўлади. У ўз кулгиси орқали ўлган юрагига «аза» тутаётган, ўзини ким ва нимага қодир эканлигини ошкор этади. Таниш-нотаниш кишилар орасида бемаврид кулиш ва ўзини хушчақчақ табиатли қилиб кўрсатиш одамнинг одамохунлигини эмас, ўзини бошқалардан устун қўйишини ёки ялтоқлик қилиб кимларгадир хушомад қилаётганининг белгисидир.

Инсон муомаласида одоб ва меъёр зарур. Ўз жигарбандидан жудо бўлган одамнинг куйиб-пишиб, ҳадеб дод-вой солиши ҳар қанча ички изтироб ва айрилиқ аламини ифодаламасин, уни кузатиб турганларга унчалик хуш ботмайди. Бемаврид шоду хуррамлик ва бировларнинг асабини ўйнатадиган бақирик-чақирикча йўғрилган хушчақчақ кулги ҳам ўзгаларнинг гашига тегади.



Кулги ва ҳазил бошқаларда ҳам худди шунга ўхшаш енгил ёки кучли қаҳқаҳа ва қувонч уйғотсагина асабни ўйнатмайди. Шунинг учун Қуръони Каримда «Юрганингда ўртача юргин ва овозингни паст қилгин. Чунки овозларнинг энг ёмонни эшаклар овозидир», деб битилган (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 297-бет*).

Ёмонлик инсон табиатидаги нопоклик, худбинлик ва разолат илдизларининг чирмашиб кетишидан ташкил топгани учун унинг одамлар орасидаги кўриниши бирон бир сабаб, ҳолат, воқеа, сўз ёки қилиқ орқали сезилиб қолади. Масалан, бировнинг юз-кўзига қараб туриб лаганбардорлик қилиш ҳам кўнгил қоралиги аломатидир. Логанбардорлик билан ҳурмат ўртасида сезилар-сезилмас парда ётади. Меъеридан ўтиб кетган ҳурмат лаганбардорликка олиб келади, лаганбардорлик бўлган жойда ҳақиқий ҳурматга ўрин қолмайди.

Ҳаётда жуда кўп марта бугун унга эътиқод қўйиб, унинг ҳақиқа дуо ўқиб, эртага бу кимса эл назаридан ёки аввалги мавқе, обрў, бойлигидан жудо бўлгач, ундан воз кечиб, бошқасининг этагига ёпишадиганлар ҳам кўп учрайди. Обрўни узоқ машаққатли меҳнат эвазига эмас, лаганбардорлик эвазига енгил қўлга киритиш мумкинлигини тушуниб етган одамнинг шу заҳоти «дили ўлади».

Ана шунинг учун ислом таълимотида маддоҳлик жуда катта гуноҳ ва инсоний қусур сифатида қораланади. Муҳаммад пайғамбар «Маддоҳлар (кишини юзига мақтовчилар) юзларига тупроқ

сочинглар», деган (*Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 54-бет*).

Айрим маддоҳларнинг подшолар саройларида оғзинга тилло ситгунча мукофотланганликлари маълум. Замонлар ўзгариши билан маддоҳлик қайси йўсинда, қачон ва ким томонидан бажо келтирилмасин қарғиш, нафрат ва ғазабга гирифтор бўлганлар. Бунинг сабаби маддоҳликда муболағанинг кўплиги, ҳақиқатнинг озлигидир. Ҳатто ҳақиқат матосига ўралган муболаға тоши ҳеч қачон лойга қорилган бир парча тилло оғирлигини боса олмайди.


Кўмир куяси кетар, маддоҳлик доғи кетмас. Чунки маддоҳлик тафаккур кенглигини эмас, торлигини, ақл борлигини эмас, хорлигини кўрсатади. Қуръони Каримда шоирлар ҳақида гап борар экан шундай оятларга кўзимиз тушади: «(Муҳаммадга) шеър ўргатмадик ва (шоирлик) унинг учун дуруст эмасдир» (*7 Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 323-бет.*)

«...Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. Уларнинг (сўз водийларида) ҳар водийда дайдишларини (яъни ўзларига ёқиб қолган энг тубан кимса ё нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, ёқтирмаганларини тупроққа қоришларини) ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни айтишларини кўрмадингизми?» (*Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 65-бет; Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 267-270-бетлар.*)

Қуръони Карим таржимони Алоуддин Мансур изох беради: «Бу оятлар барча замонлардаги Оллоҳдан қўрқмайдиган, устларидаги ҳокимият сиёсат ўзгариши билан ёзаётган мавзулари, қаҳрамонлари ҳам ўзгариб кетаверадиган, ўзгаларга тўғрилик, эзгулик ҳақида лоф уриб, ўзлари нопок йўллардан юрадиган маддоҳ қаламкашлар ва ўзларининг бор илҳом-истеъдодларини маъшуқаларнинг таъриф-тавсифларига сарф қиладиган назмбозлар ҳақидадир. Лекин иймонли, эзгу амаллар қиладиган ва доимо Оллоҳни ёдда тутадиган шоирлар бундан мустасно эканлиги тўғрисида қуйидаги ояти каримада айтиб ўтилади. Яна бу хусусда пайғамбар алайҳиссаломдан ҳам кўп ҳадислар ривоят қилинган. Шунлардан бири мана бу ҳадисдир.

Саҳобалардан бўлган бир шоир келиб пайғамбар алайҳиссаломга, Оллоҳ таоло шоирлар ҳақида айтган бу сўзлардан кейин бизларнинг ҳолимиз не кечади, деганларида ҳазрат шундай жавоб берганлар: «Мўмин киши ҳам тиғи билан, ҳам тили (яъни қалами) билан Оллоҳ йўлида жиҳод қилур. Яратган Эгамнинг номига қасамки, сизлар отадиган ўқнинг тиғи ўткирроқдир. Магар иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда доим Оллоҳни ёдда тутган ва (илгари) мазлум бўлмаганларидан кейин (Ислоом зафар топгач) голиб бўлган кишилар (яъни шоирлар йўлдан оздиргувчи эмаслар)» (*Қуръони Карим. Таржима ва изохлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 270-бет*).

Қуръони Каримда жуда кўп марта Муҳаммад пайғамбарнинг шоир ва мажнун, сеҳргар эмаслиги



ҳақида гап боради. Бу деган сўз, умуман шоирлик ва шоирлар ҳақ ва ҳақиқат йўлидан озган одамлар деган гап эмас. «Изоҳ»да таъкидлаб ўтилганидай, тили бошқаю дили бошқа, кўпроқ лоф ва муболаға кетидан чопадиган, ўзининг баландпарвоз муножотига кўпроқ ишонадиган, нопок йўллар билан маддоҳлик оқибатида шухрат тожиге эришадиган қаламкашлар назарда тутилмоқда.

Бундай ўткинчи туйғуларга берилувчи, ҳақиқатни эмас, инсон ва инсоният йўлини ёритувчи нурни эмас, балки фақат ўз бошига соябон бўлувчи кўланкани, ўз манфаатларини боқиб семиртирувчи хайрияларнинггина мақтаб улугловчи шоирлар тилга олинмоқда.

Шеърят халқ орасига кенг тарқалувчи маънавий нур бўлгани учун унинг жаранги кўпроқ эшитилиб қолади. Шунинг учун шеърый маддоҳлик кўнгилларни аллаламайди, аксинча, арралайди.

Маддоҳлик фақат шоирлар қисматининг ажралмас белгиси, барча шоирларнинг яшаш тарзи эмас, балки умуман иймони сушт, эътиқоди пароканда одамларнинг nasibаси. Бу nasibа кимга, қачон ва қандай буюрилмасин, унинг баҳоси жуда арзон туради.

Маддоҳлик катта-кичик мансабдор ва амалдор, бадавлат ва обрўли одамга нисбатан бўлмасин, доимо мақтов эшитган эмас, мақтаган ютқизади.

Ўз қадрини тўғри тушуниб етган одам қаерда самимият ва тилёғламалик, ҳақиқий ҳурмат ва сохталик ётганини тезда пайқаб олади. Таъмагир қанчалик тил учига асал суриб олмасин, у барибир сўлакка айланади. Тил учида берилган асал инсон



дилга эмас, ошқозонига тушади. Инсон бойлиги омборхонадаги мол-дунё билан ўлчанмаганидай, ошқозон тўқлиги ҳам дил тўқлигини билдирмайди.

Дил тўқлиги саховатпешалик аломатидир. Унда ичиқоралик, тилёғламалик ўрнини беминнат саховат эгаллаган бўлади.

Таъмагирлик ва маддоҳлик ўз ўлжасини топмагач, юракда мунофиқлик ва ғазаб тигини яланғочлайди. Маदдоҳликда қанчалик туғён урган одам ғазаби чиққанда шунчалик ловуллаб ёнади ва тева-рак-атрофига жаҳаннам оловини сочади. Муҳаммад пайғамбар айтадилар: «Ғазаб одам боласи ичда ёниб турган чўғдир. Кўрмайсизми кўзи қизарганини, бўйин томирлари шишганини. Бирор одамда ғазаб пайдо бўлса ерга ўтирсин. Кишиларнинг яхши-ғазаби секин келиб, ризолиги тез келувчиси-дир. Одамларнинг ёмони ғазаби тез келиб, ризолиги секин бўлувчиси-дир. Агар ғазаби ҳам, ризолиги ҳам аста-секин ёки акси бўлса, унинг яхши-ёмонлиги ҳам шунга қараб бўлади» (*Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 66-бет*).

Ғазабни қарздек ҳис этиб, уни сукут билан узган маъқул. Акс ҳолда инсон ақлнинг тўрига эмас, ғазабнинг қўрига ўтирган бўлади. «Жаноб Расулллоҳ Ашаж исмли саҳобага қараб дедилар: «Сенда Аллоҳ ва Расул яхши кўрадиган иккита ҳислат бор:

1. Ҳалимлилик (ғазаб тез чиқмаслик);
2. Сабрлилилик» (*Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 70-бет*).

Кўриниб турибдики, яхшилик билан ёмонлик дарёнинг икки қирғоғига ўхшайди. Агар кемани



инсон ҳаёти деб билинса, оби-ҳаво ва шаронгга мувофиқ кема гоҳ у қирғоққа, гоҳ бу қирғоққа ўтиб қолганидек, яхшилик билан ёмонлик ўртасида Хитой девори йўқ, уларнинг қай бири инсон феъл-атворида устунлик қилиб қолиши одамзод амалларида кўринади.

Такабурлик – ғазаб ва ҳасад ўчоғига қаланган ўтин. Уни ловуллаштириб ёндириш ёки сўндириш инсон руҳияти камоли ё заволини белгилайди. Шунинг учун Муҳаммад пайғамбар ҳасад, бадгумонлик ва шумланишни инсонга хос учта ёмонлик деб уқтиради.

Ҳасад кўпинча яқин биродарлар, ҳамкасблар, аввалдан танишиб, дўстлашиб юрган одамлар, кўни-қўшнилари ва қариндош-уруғлар орасида вужудга келади. Ҳатто ака-ука, опа-сингиллар орасида ҳам ҳасад пилони ғимиллаб қолиши мумкин. Ҳасад зинҳор-базинҳор ота билан ўғил, она билан қиз, ота-она билан фарзандлар ўртасида пилдиз отмайди. Уларнинг ўртасида ҳасад эмас, ҳавас кучли. Ота-она ўз фарзандлари камоли, юриштириши, обрўси ва бойлигидан қанчалик фахрланса, фарзандлар ҳам ўз ота-онаси обрўси ва умуман уларнинг борлигидан мамнун ва бахтиёрдирлар. Буни фақат кечроқ тушуниб етадиган айрим фарзандлар борлиги ҳам маълум.

Ҳасад бирор таниш ва яқин одамларда бойлик, мавқе, мартаба ёки обрўларда фарқ сезилиши билан пайдо бўлади. Камлик ҳасад уйғотмайди, мўллик ва ортиқчалик ҳасад туғдиради.

Инсон қачонки ўзи етишмаган ва ўзида йўқ нарсалар туфайли пайдо бўладиган ҳасадни ютиб



юборса ёки ташқарига чиқармаса, бировлар муваффақияти, бойлиги ва бийлигидан қувониш даражасига етса, бундай одам маънавий покликка эришган бўлади.

Ҳасад одам ичига кириб олган илон бўлиб, уни ё ўлдириб қутуласан, ё ҳасад қилган одамнинг ўлгандан сўнг тинчийсан. ҳасаднинг алами аччиқ, ҳасад билан ўзингни ҳам, бировнинг ҳам ҳаётини захарлайсан. Муҳаммад пайғамбар зикрича, «Аччиқ сабур гиёҳи асални бузганидек, ҳасад иймонни бузади... Фашлик ва ҳасад ҳасанотларни худди ўт ўтинни егандек ейди».*(Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 84-бет).*

Одамларнинг яхши ёмонлигини ажратишда самимий мулоқотнинг аҳамияти катта. Инсон мулоқотсиз яшай олмайди. Мулоқот – фазилят ва гуноҳ, яхшлик ва ёмонлик, ҳаё ва беорлик, иймон ва иймонсизликни ажратувчи маънавий тарозу.

Ҳаёли одам ҳеч қачон мулоқот пайтида уни тинглаётганларнинг энсасини қотирувчи, гап-сўз ва имо-ишоралари билан бировларга оғир ботувчи, бошқаларнинг иззат-нафсига тегадиган хатти-ҳаракатлардан узоқ бўлади. Беҳаё одамга шаҳар бедарвоза туюлади. Мулоқот даврида ҳаммадан ўзини юқори олади ва кимга, қачон, нима дейишни унутади, «сўзда оғзи бепошна» бўлади. Бундай пайтларда сўзамоллик билим ёки донолик аломати эмас, беҳаёлик эканлигини ҳис қилмайди, инсоннинг жамиятда ва жамоат орасида юриш-туришига даҳлдор қаноат ва очкўзлик бир ота-онадан туғилган, аммо тамомла бири иккинчисининг тескариси бўлган опа-сингилга ўхшайди.

Қаноат инсон ҳаётига барқарорлик ато этса, очкўзлик дарду алам келтиради, очкўз – тўйда тўйиб, тўнда илимас...

Очкўз одам наинки бировлар мол-мулкига ҳасад билан қарайди, ҳатто ўзидан ҳам ҳаёт неъматларини аяб яшайди. Унинг ҳаётида ҳаловат йўқ, ўтирса тинчимайди, юрганда ёлчимайди, одамлар ташвишларидан қутулиш ғамини еса, у ўзига-ўзи ташвиш сотиб олади. Очкўзнинг қорни тўйса ҳам меъдаси очқиқиб юради, омбори тўлса ҳам кўнгли тўймайди. Чунки «Очиққўл одамнинг таоми – даво, очкўз одамнинг таоми дарддир» (*Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 93-бет*).

Шу бопс, баъзи бойлик, молу дунё, айшу ишратга ружу қўйган одамлар тушунмайдиларки, «Бойлик молнинг кўплигида эмас, балки кўнглининг тўқлигидадир» (*Уша жойда, 102-бет*).

Очкўз одамнинг умр бўйи ўзи ҳам емай, болачақаларини ҳам яйратмай, бировга ҳам бермай, гоҳо-гоҳо мачит ва худойларга садақа бергани билан пймони покланмай ўтади.

Бойлик – бевафо ўйнашдир. Ўйнашнинг ҳам, бойликнинг ҳам хўжаси йўқ. У кимнинг қўлига тушса, унинг қулига айланади. Шунинг учун дунёдаги бойларнинг барчаси бойлик устидан ҳукмдорман дейдилару, ўзларининг оёқ-қўлларини ўзлари боғлаб қўйганларини, тинчлигу ҳаловатини йўқотганини билмайди. Boyлик билан очкўзлик қўшхотинли эркакка ўхшайди. Очкўзлик бойликка хуруж уйғотади, бойлик очкўзни ақлдан озди-

ради. Қўшхотинли бўлиш ҳам эркак умрининг заволи. Битта хотинга қаноат қилмаслик ҳирсий очкўзлик белгиси. Қўшестикнинг кўпайиши – бетовфиқнинг қутириши деган гап.

Ҳаётнинг маъноси маромли ва мароқли ҳаловатдадир. Бинобарин, «Оз бўлиб кифоя қилгудек дунё, кўп бўлиб кишини банд қилганидан яхшироқдир» (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 32-бет*).

Ана шунинг учун ширин суҳбатлар, тотли давралар одамларни маънавий юксалтиради, қалбини кенгайтиради, онгини ўстиради, одобини мустаҳкамлайди.

Ҳалқимиз устоз отангдек улуг, деб бекорга айтмаган. Қайси бир аллома ёки маънавий баркамол кишилар билан мулоқотда бўлманг, унинг ёшлик ва касбига қизиқишлари, одам ва олим бўлиб етишишлари ҳақида сўраб-суриштирманг, у ёшлигида ота-онаси ва уларнинг уйига келиб-кетиб юрадиган ақлли ва яхши одамлар, уларнинг мароқли суҳбатларини ибратли амалларни эслайдилар ва ана шу ёшлик таассуротлари уни шу йўлга бошлаганини завқ-шавққа тўлиб ҳикоя қиладилар.

Зеро яхши гап, яхшилик ибрат мактаби бўлиб, ёмон сўз ва ёмонлик касофат ошидир.

Қуръони Каримда ўқиймиз: «Яхши гап ва кечирин кетидан озор келадиган садақадан яхшироқ» (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 32-бет*).

Яхши гапнинг ўлчови йўқ. Кечиримли бўлиш одамнинг нақадар бағри кенг, меҳри мўл эканлигидан далолат беради. «Қилган ҳар бир яхшлигинингиз




сизларга зулм қилинмаган ҳолида ўзингизга тўлатўкис қайтарилди» (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 33-бет*).

Бунинг маъноси шуки, одам ўз умрида фақат бировларга яхшилик қилишни одат тусига киритар экан, ўз яхшилиги эвазига бирон манфаат кутмайдиган бўлиб боради. Яхшилик қилиш тобора унинг табиий одат тусига киради, унинг шахсини белгиловчи сифатга айланади.

Яхшиликнинг ҳам ўлчови бўлмаганидай, у қаерда, қачон ва ким томонидан бажарилмасин худди чироқ сингари ўз атрофини, хонани, хонадонни, қалбни ва руҳиятни нурафшон айлайди.

Яхшилик жавоб кутмаганида гўзалдир. Жавоб тамомила бошқа бировдан, бошқа томондан, бошқа пайтда келиб қолиши мумкин. Ҳар бир яхшилик инсон ҳаёти йўлида учраши мумкин бўлган тўсиқ, девор, эшик ва қаршиликларга руҳий даво ва калит бўлиб хизмат қилаверади. Натижада, киши ўзининг босган изидан гул, умидидан чечаклар ўсиб чиқишини хаёлига келтирмайди. Ана шу маънода яхшиликка яхшилик, ёмонликка ёмонлик қайтади, деймиз. Ана шу маънода яхшилик ёмонлик йўлини тўсиб олижаноблик боғидан оқадиган ариқни сувга тўлдиради, деймиз.

Буни тушуниб етгунча анча вақт ўтади. Ҳаёт, умр, яшаш, кураш, муросою мадора, муваффақиятлар ва изтироблар, тўлқинлар ва бўронлар оша одам боласи бир манзилга етиб олганда қилган яхшиликлари эвазига умри давом этаётганини, ёмон амаллар эса унга панд бераётганини ҳис қилади.




Шу бонсдан Қуръони Каримда покдомон инсонлар «(У тақводор зотлар) яхши-ёмон кунларда инфоқ-эхсон қиладиган, газабларни ичларига ютадиган, одамларни (хато-камчиликларини) авф этадиган кишилардир» дейилади (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 47-бет*).

Яшамоқдан мақсад дунёни, ҳақиқатни англамоқдир. Умр мазмунини ҳар ким ўзи белгилайди, ризқни эса ўзгалар. Ҳаётда ҳар ким ўз ўрнини эгаллашга даъвогар бўлади, аммо бу ўринни доимо бошқалар тақсимлайди. Шунинг учун бу ўринга даъвогарлар кўп, мушаррафлар оз. Бунда даъвогарнинг эмас, танловчини маънавияти кўп нарсани ҳал қилади.

Демак, одамзод ўз ҳаёти, умри ва амаллари йўлида бошқаларга қандай муносабатда бўлса, маълум вақт ўтиши билан ўзи ҳам шундай муносабатга лойиқ бўлади. «Қайтар дунё» деб шунини айтадилар.

Бировнинг кўзидаги чўпни кўриб, ўз кўзидаги ходани сезмаган одам бошқалардан ўзига нисбатан илиқ муносабатни кутмай қўяқолсин. Бировларнинг хожатини чиқармоқ, бировларнинг кўнглини овламоқ, бировларнинг ташвишини енгиллатмоқ, бировларга ҳалол муносабатда бўлмоқ киши ҳаётини ҳар қандай чиғириклардан олиб ўтувчи маънавий кафолат чиптасидир. Унинг аниқ ўлчови, вақти ёки чегараси йўқ, қачон, қандай ва кимдан ижобат қайтиши инсоннинг ҳаёт тарзига боғлиқ. Ташаккур ва саодатлар кутилмаганда, қабоҳат ва разолат эса олдиндан тузилган режалар асосида келади.



Мулоқотда бажарилиши осон бўлса-да, аммо инсонга жуда катта саодатлар олиб келадиган сифатлар бор. Масалан, Инжилда «Ҳар бир одам эшитишда чаққон, гапиршда вазмин, газаб вақтда оғир бўлсин» дейилган (*Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 353-бет*). Бу нарса инсон маънавий камолотидан дарак беради. Қачонки одамлар ўзаро муносабатларида бировнинг дарди ё гапини тинглай олмаса, мулоқот пайтида ўзини вазмин, сипо тутмаса ва ёки газабинини тўхтата олмаса, унинг бошига маломат ва надомат тошлари ёғилиши шубҳасиздир. Айниқса, газаб отини тушовлаш инсон ҳаётида катта аҳамият касб этади. Газаб жазаваси ҳомиладор бўлиб шайтонни туғади, шайтон эса одам боласи лабига она сутини эмас, оғу тутади.



## ЭРУ ХОТИНЛИК. ОИЛА МУҚАДДАСЛИГИ

Эркак ва аёл муносабатлари қандай? Оила қачон вужудга келади? Бунақа саволлар қанчалик кўп бўлса, унга жавоблар ҳам шунчалик хилма-хил.

Энг қадимий муқаддас китобларга мурожаат этайлик. Инжилга биноан Худо азалда осмон билан ерни яратди, сўнгра уруғ берадиган ўт-ўланлар, мевасида уруғи бор турли-туман мевали дарахтларни, қуёш, ой, юлдузларни, паррандаю даррандаларни, ёввойи ҳайвонларни бунёд этди. Сўнгра Худо одамни ўз суратида яратди. Буларнинг барчасини олти кунда пайдо қилди.

Худо ернинг тупроғидан одамни ясаб, унинг димоғига ҳаёт нафасини пуфлади. «Одам ухлаб қолгач, унинг қовурғаларидан биттасини олди ва ўрнини эт билан қоплади. Одамнинг қовурғасидан Худованди Карим бир Хотин барпо қилиб, уни одамнинг олдига олиб келди. Шунда одам: «Мана, энди бу суяк менинг суякларимдан, бу эт менинг этимдандир. У хотин киши деб айтилади, зероки у эр кишидан олинган, деди.

Шунинг учун киши ота-онасини қолдириб, хотинига ёпишиб қолади ва иккови бир тан бўладилар:

*(Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм. 1993, 4-5-бетлар).*

Инжил таълимотига кўра Хотин илоннинг алдовига учиб боғнинг ўртасидаги дарахт мевасидан еб қўяди ва ундан эркакка ҳам беради. Шундан сўнг уларнинг кўзлари очилиб, яланғоч эканликларини билишади. Бунинг учун Худованди Карим илонни лаънатлаб, уни умр бўйи қорни билан юриб, тупроқ ейишга мустаққиқ этади, аёлнинг эса ҳомиладорлик пайтида машаққатини бағоят орттириб, дард билан фарзанд кўришга, иштиёқи эрига ва эри унга ҳоким бўлишига ҳукм этади. Эркакни эса хотиннинг гапига кириб гуноҳ қилиб қўйгани учун умр бўйи машаққат чекиб, пешона тери тўкиб меҳнат орқали нон топиб ейишга маҳкум этади. Ана шу тариқа биринчи бор Одам Ато ва Момо Ҳавво пайдо бўлади. Улар одамзод номини оладилар. Қуръони Каримда ўқиймиз: «Биз инсонни (яъни Одам алайҳиссаломни) лойнинг мағзидан яратдик»; «Биз инсонни (Одамнинг асли) қора ботқоқдан бўлиб (одам) сурати берилгач, қуритилган лойдан яратганмиз». «Сўнгра унинг насли авлодини ҳақир бир сувдан иборат бўлган нутфадан пайдо қилди. Сўнгра уни (инсон қилиб) ростлаб, ичига ўз (даргоҳидаги) жондан киритди», «Оллоҳ сизларни (аввал) тупроқдан, сўнгра нутфадан яратиб, кейин сизларни жуфт-жуфт (яъни эркак-аёл) қилиб қўйди».

«У сизларни бир жондан (Одамдан) яратди, сўнгра уни жуфтини (яъни Ҳаввони) пайдо қилди...»  
*(Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 181, 244, 300, 316, 339-бетлар).*

Яна Қуръони Каримда ўқиймиз: «Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтгини (Хаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан қўрқингиз!...

Агар етим қизларга адолат қила олмасликдан қўрқмасангиз, сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланнинг) ёки қўл остингиздаги чўри билан (кифояланнинг). Мана шу жабру зулмга ўтиб кетмаслигингизга яқинроқ ишдир» (*Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 54-бет*).

Эру хотинлик масалаларига доир фикрларни Муҳаммад пайғамбар ҳадисларида ўқиймиз: «Хотин киши қовургадан яратилган. Агар сен қовургани тўғрилайман десанг, синдирасан, мурсо қилу у билан яша!» (*Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 69-бет*).

Қуръони Каримдаги оятларга Аловуддин Мансур изоҳ бериб ёзади: «Уламолар мазкур оятни қуйидагича тафсир қиладилар: шарият ҳукмича, отаонадан ажраб, етим бўлиб қолган қизни ўз қарамоғига олган одам у қизга уйланишга ҳаққи бор. Лекин одатда бундай ҳолларда кўпинча қизнинг ҳаққи-маҳрини тўла-тўқис қилиб бермай, арзонгаров уйланиб олиш пайига тушилади. Шунинг учун Қуръон: «Етим қизларнинг ҳақини адо қила олмасликдан қўрқсангиз, сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинг», деб руҳсат беради ва дарҳол у хотинлар ўртасида



адолат қилиш шарт эканини таъкидлайди. Қолаверса, исломдаги бу қонун Қуръон нозил бўлган даврда кенг тарқалган кўпхотинликни тартибга солиш учун жорий қилингандир. Чунки Ислом келишидан илгари бир эркак қўл остида ўнлаб аёллар ҳар қандай ҳақ-хуқуқ, адолат ва ҳурмат-эътибордан маҳрум бўлган ҳолда кун кўрар эдилар. Ислом келгач, бу саноқ энг кўпи билан тўртта бўлиши мумкинлиги ва албатта ўртада адолат барқарор бўлиши шарт эканлиги қонун қилинди. Лекин барибир ҳақли суратда шундай савол туғилди: модомики адолат мурод экан, нима сабабдан бир эркакка фақат биргина аёл билан турмуш қилиш амр этилмади? Ислом уламолари бу саволга шундай жавоб қиладилар: маълумки, Ислом – воқеий диндир. Яъни у инсонларни покиза ҳаёт кечиришга даъват қилишда ғайривоқеий йўллари тутмайди, бинобарин, бу қонунда ҳам воқеий инсоний ҳаёт назарда тутилган.

Биринчидан, асрлар давомидаги тажрибалар кўрсатишича, ўғил боладан кўра қиз бола кўпроқ туғилади. Иккинчидан, аёл киши эркак кишидан кўра узоқроқ умр кўриши ҳам воқеий ҳақиқатдир. Учинчидан, турли фожиалар, хусусан, уруш ва тўқнашувларда асосан эркаклар ҳалок бўладилар. Мана шу ва яна бошқа кўп сабаблар натижасида инсоният оламида мудом аёлларнинг саноғи эркакларникидан ортиқ бўлади. Демак, бир эркак фақат бир аёлга уйланиши мумкин дейилса, эркаклар саноғидан ортиб қолган аёлларга зулм қилинган бўлур эди. Яъни бу аёллар ўзларининг турмуш қуриш ва она бўлиш ҳуқуқ-



ларидан маҳрум бўлиб қолар эдилар. Натижада жамиятда нопоклик ва маиший бузуқликлар юзга келади. Шунинг учун ислом моддий имкониятлари бўлган кишиларга агар адолат қила олишнинг урдасидан чиқсалар, бирдан ортиқ аёл билан турмуш қуришга рухсат беради ва шу йўл билан бирга аёллар ўртасида адолат қилмай, фақат шаҳвоний нафсини қондириш учунгина кўп хотин олишга ружуъ қўйган кимсалар учун охирада ашаддий азоб борлиги ҳақида огоҳлантиради» (*Қуръони Карим, Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 54-55-бетлар*).

Исломда оила масалалари ниҳоятда кенг ва чуқур ўртага қўйилган. Асосий масала эру хотиннинг тинч-тотув яшашидир. Агар эркаклар ўз хотинларини ёмон кўрсаларда сабр қилиб, иноқ яшаш тавсия этилади. Эру хотинни ё ўлим, ё зино, бузуқчилик ажратиши мумкин, холос.

Оила қурилгач, эркаклар хотинларини яхшилик билан едириб-кийдириши, хушмуомала бўлиши, асраб-авайлаши лозим. Чунки эр хотинга, хотин эрга либосдир. Қайси бири юпун бўлса шунга қараб иккинчиси ҳақида фикр юритилади.

Мурсою мадора – оилани сақлашнинг асосий белгиси. Қуръони Каримда ўқиймиз: «Агар бирон аёл эри томонидан кўнгилсизлик ёки юз ўгириб кетиш содир бўлишидан қўрқса, у иккови ўзаро бир сулҳга келишиб олишлари зарарсиздир. Сулҳ (ажралиб кетишдан) яхшироқдир. Нафслар қизганишга ҳозир у нозир бўлиб турадилар. Агар аёлларингизга чиройли муомала қилсангиз ва

Оллоҳдан қўрқсангиз (ўзингизга яхшидир)» (*Қуръонни Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., «Чўлпон», 1992, 67-бет*).

Ана шу тариқа оила мустаҳкамланади, унда тотувлик ва гўзаллик куртаклари ниш уриб, фарзанд деб аталмиш инсониятнинг гўзал неъматларидан бири пайдо бўлади. Бу фарзанднинг одам ва инсон бўлиши оила ҳамда жамиятда амал қиладиган ахлоқу одобга, ота-она меҳнатига боғлиқдир.

Фарзанд елкасида ота-она юки ётади. Ундан фақат ота-онани эъозлаш орқали қутулиш мумкин. Муҳаммад пайгамбар ҳадисларида ёзади: «Кимга яхшилик қилай?», деб сўраган саҳобага уч марта онангга деб, тўртинчисда отангга деб айтдилар» (*Муҳаммад пайгамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 66-бет*). Бу бежиз эмас. Фарзанднинг пайдо бўлишида отанинг ҳам, онанинг ҳам хизматлари улуғ бўлса-да, она фарзандини ўз жонини гаровга қўйиб, бунёд этади. Шунинг учун фарзанд зиммасида ва камолида онага нисбатан қарз бағоят каттадир. Шунинг учун «Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир» (*Муҳаммад пайгамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 82-бет*).

Оналар, аёллар ана шундай улуғ инсонлардир. Пайгамбарларни ҳам вояга етказган ана шу аёллар, оналардир. Бинобарин, Муҳаммад пайгамбар таъкидлаб ўтганларидек, «Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хорлайди». «Хотинларни урманглар» (*Муҳаммад пайгамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., «Камалак», 1991, 86, 119-бетлар*).



Хотинини ўз онаси ва сингиллари, қизлари сингари севган, ҳурмат қилган ва эъзозлаган эркак ҳеч қачон оилада хор бўлмайди. Оиланинг ягона устуниси мен бўламан, деб гўдайкиб турадиган, оиланинг ягона ўчоғи мен бўламан деб оғизбурнидан доимо тутун чиқарадиган, оиланинг ризқи-рўзи мен бўламан, деб едириб-ичирган нозу неъматларини ҳадеб таъна қиладиган эркакдан ҳайқиш мумкин, лекин ҳурмат қилинмайди.

Оилада эркак киши бошқаларга эркин нафас олишга шароит яратсагина ўзи ҳам, бошқалар ҳам яйраб-яшнаб ҳаёт кечиради. Эркак ҳаётини, турмушини ўзининг енгил ва ҳавойи орзу-умидлари, гина-қудратлари, бемаъни харҳашалари билан заҳар-заққумга айлантириб юборувчи аёллар бўлганидай, ўз хотинининг парвоз қанотларини қирқиб, ўз атрофида беданадай йўргалаб, мушукдай писиб юришга мажбур қиладиган, қамчинидан қон томадиган эркаклар ҳам йўқ эмас.

Бундай зиддиятлар ўпқонини фақат оила фароғати ва фарзандлар меҳри, эру хотинининг ақлли муросою мадорага асосланган муносабатлари тўлдириши мумкин. Қуръони Карим нозил бўлган даврдан то шу бугунгача исломият оламидаги оилавий муносабатлар шарофати ана шундай поклик, самимият, иймон ва меҳрга асосланиб келмоқда.

Эркак ва аёл муносабатлари, муҳаббат ва муросо, оила муаммолари узоқ асрлардан буён одамзод учун ўта мураккаб, айни чоқда, муқаддас масалалардан бири ҳисобланган.

Тарихий тараққиёт жараёнида аёл ва эркак муносабатлари тобора одобийлашиб, нозиклашиб,



мўътабар бир ҳолатни ташкил этиб боради. Ҳар бир замонда поклик эркак учун ҳам, аёл учун ҳам энг ноёб фазилат, иймон кашкири бўлиб хизмат қилган.

Инжилда ёзилганидек, «Ким бир аёлга шахват билан қараса ҳам, аллақачон кўнглида у билан зино қилган бўлади. Агар сенинг ўнг кўзинг гуноҳ қилишингга сабаб бўлса, суғуриб ташла. Чунки бутун баданинг жаҳанамга ташланишидан кўра, аъзойингдан бирининг нобуд бўлгани сен учун яхшироқдир» (*Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 11-бет*).

Бунда инсоннинг кўнгли ва ниятидаги поклик нақадар азиз эканлиги таъкидланади. Одамлар бежиз «ёмон кўздан асрасин» демайдилар. Одам кўзида яхшилик ва ёмонлик қайнаб туради. Кўздан самимият нури таралса, бошқалар дилида қўрқув, ваҳима, даҳшат ва саросима пайдо бўлмайди. Ўйнаган, чақчайган, хўмрайган кўзлардан ваҳшат, даҳшат ва гумон ўқлари отилади.

Кўзнинг қараши дилнинг йўналишини англатар экан, инсон баданидаги барча зоҳирий ва ботиний аъзолар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ экан, асосий масала одамни жисмоний ва маънавий бузмайдиган, тани ва руҳини соғлом тутадиган ҳолатда яшаб ўтмоқликдадир.

Бундай инсоний турмуш ва авлодлар ворислиги эру хотин муаммоларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Эру хотиннинг ўртасидаги масъулият ва мажбурият шу даража улугки, уни арзимаган сабаб ва баҳоналар билан бузиш гуноҳи азим эканлиги барча динларда таъкидланади. Инжилда ёзилиши-



ча, «Ким хотини билан ажралмоқчи бўлса, унга талоқ хатини ёзиб берсин, ким бевафолик айбидан бошқа сабаб билан хотинидан ажралса, унга зино қилишга сабаб топиб беради» (*Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 11-бет*).

Демак, эру хотинлик мажбурияти ва аҳду паймонини бузишнинг ўзи сабабсиз ва арзимас баҳона орқали ажралиб кетиш келажакдаги зино учун йўл беради. Унинг олдини олиш эса инсоннинг пок яшаб, соғлом ҳаёт кечирishiга олиб келади. Бағритош бўлишликнинг олдини олиш учун эркак ва аёл елкасига оила бирлиги мажбурияти ва масъулияти юкланади.

Бир тану бир жон бўлиб кетган эру хотиннинг ажралиши бирининг ўлими туфайли содир бўлмагунча ҳам одоб, ҳам диний тушунчалар нуқтаи назаридан ҳам номақбул, ҳам гувоҳ ҳисобланиши одамларни тинч-тотув яшашга ва оила қувонч-ташвишларини барабар тортишга чорлайди.

Оиладан хонадон, хонадондан қариндош-уруғ, қариндош-уруғдан миллат пайдо бўлади. Уларнинг жиқслиги, қадр-қимматга эга бўлиши ва фаровонлиги оила аъзолари, хонадон эгалари ва қариндош-уруғларнинг бир-бири билан иноқ ва иттифоқда яшашларига боғлиқ.

Оила ҳам, хонадон ҳам, қариндош-уруғчилик ҳам ташқаридан эмас, ичкаридан тузилади, ё бузилади. Ташқаридан кузатган одамлар оилавий бузилишнинг сабабларини билмайди, билсалар ҳам «шунга шунчами?» деб таажубга тушадилар. Ичкидан емирилган нарсани қайтариб бўлмайди.



Дарҳақиқат, «Ўз ичидан бўлинган ҳар бир подшоҳлик нурайди, ўз ичидан бўлинган хонадон хароб бўлади» (*Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 169-бет*).

Мамлакат учун ташқи хавфдан кўра, ички бўлиниш минг карра хавфли. Ташқи хавфга қарши хужумга келувчилар, ҳимояга ўтувчилар сони тобора ортиб борса, ички бўлиниш туфайли тарафкашлар ва кузатиб турувчилар, ифвогар ва сотқинлар пайдо бўладикки, буларнинг ҳар бири мамлакат учун битмас-туганмас бало-қазолардир.

Хонадондаги бўлинишга сабаб бўлган битта ёмон сўз ёки қилиқ учун юзта қози ва аллома келиб минг хил панду насиҳатлар қилмасин, буларнинг нафи тегмаслиги мумкин. Синган чинини чегалаб бўлмас, чегалаб қўйса-да кўнгил хушламас. Шунинг учун оилани муқаддас санаган одамлар унинг биринчи лаҳзаларидан бошлаб поклик ва иймонлик дастурхони атрофига тўпланадилар. Ойлага нопоклик, харом ва зино уруғини яқинлаштирмаслик лозим. Чунки дағаллик қўрслик туғдиради, ўғрилик беандишалликни, зино иймонсизликни. Уруғ яхши ердагина яхши ҳосил беради. Тошлоқдан тош, ўтлоқдан ўт олинади.

Қадим замонлардан буён аёлларнинг ўз эрларига тобеълиги, бўйсунishi, вафодор бўлиши ҳақида гап боради. Уларнинг чиройли феълу авори, одобу ахлоқи оила тираги эканлиги таъкидланади. «Сизнинг жозибангиз ўрилган сочлар, тақилган олтинлар, чиройли кийимлар каби ташқи зеб-зийнатдан иборат бўлмасин. Аммо яширин қалбингиздаги ювош ва сокин руҳ сизларнинг



сўлмайдиган ички гўзаллигингиз бўлсин» (*Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 365–366-бетлар*). Ана шундагина аёллар оила, хонадонни ташкил этишда асосий шамчи-роғ вазифасини ўтайди. Бу чироғ атрофига эркеклар ҳам, кексалар ҳам, фарзандлар ҳам тўпланиб, хонадон деб аталмиш мўъжаз бир мамлакат пайдо бўлади.

Оиладаги аёллар поклигидан хонадон остона-сига илиқ нур ёғилади. Ана шундай фариштами-жоз аёллар олдидаги эркеклар масъулияти ҳам катта: «Сиз, эрлар ҳам хотинларингиз заиф жинсдан эканлигини ҳисобга олиб, улар билан оқило-на муносабатда бўлинглар. Улар ҳам абадий ҳаёт иноятидан баҳраманд бўлгани учун, уларни хур-матга сазовор ҳисобланг» (*Инжил, ўша жойда*).


Эркекларнинг эрлиги фақат жинсий фарқлан-май, олийҳиммат ва олижаноб фазилатлари ила кўринади. Заифларга шафқат, гўзалликка шайдо-лик эркекларнинг онаси жинсидан бўлган аёл зоти қаршисида мушт тугиб эмас, бош эгиб туришини тақозо этади. Уларнинг жисмоний ва маънавий кучи заифлик оқибатларига бардошда, тугёнлар алангасини ўчиришда, жаҳлни сабрга кўчиришда кўринади. «Чунки севги кўп гуноҳларни ювади» (*Инжил, ўша жойда*). Севги ила қурилган оилада ўткинчи шамоллар эмас, доимий сафолар кўнгили-ни яйратади.

Инжилда ёзиладики, «Севги сабрли ва кўнгил-чандир. Севги ҳасад қилмас, кеккаймас, шишин-мас. Севги бебошлик қилмас, худбинлик қилмас, аччиқланмас, кек сақламас. Севги ноҳақликка

севинмас, аксинча, ҳақиқат пла шод бўлур. Севги ҳар нарсани кўтарар, ҳар йўлдан ишонч қилар, ҳар шароитда умид сақлар, ҳар нарсага тоқат қилар. Севги асло адо бўлмас. Пайғамбарлар башорати бўлса, тамом бўлгуси. Тиллар бўлса, жим бўлгуси. Билим бўлса, бартараф бўлгуси. Бизнинг билимимиз ҳали тўлиқсиз, башорат қилишимиз тўлиқсиздир. Камолот келганда эса, тўлиқсиз нарса бартараф бўлажак. Мен бола бўлганимда, бола каби гапирар, бола каби фикр қилар, бола каби муҳокама қилар эдим. Вояга етгач, болаликни қолдирдим. Шу сингари, биз ҳозир гўё хира ойнага қарагандек кўряпмиз, лекин у вақтда юзма-юз кўражакмиз. Ҳозир мен қисман билапман, лекин у вақтда ўзим билганим каби билажакман. Эндликда бу уч нарса қолди: ишонч, умид, севги. Севги эса энг аълосидир» *(Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 448-бет).*

Инсонда, оилада пайдо бўлган севги ана шундай камаймас, қаримас бир мўъжизадир. Унга эга бўлган одам балоғат ва фароғатни хижрон ва аламга алмаштирамайди, кўнгил кечирувчан, софлик ва сафоликни, иймон ва эътиқодни ҳамма нарсадан афзал кўрувчидир. «Шундай қилиб, эркаклар ўз хотинларини ўз танларини севгандай севишлари керак. Ўз хотинини севган ўзини ўзи севади. ҳеч ким ҳеч вақт ўз танасини ёмон кўрмаган. Аксинча, уни озиқлантириб, парвариш қилади» *(Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 499-бет).*

Демак, хотинга муҳаббат бегона туйғу эмас, инсон руҳида пайдо бўлган ўзига ҳурмат ва ўзини севишининг жамолдир.



Зинога мойиллик ҳар бир одамда у ёки бу йўсинда яширин ётади. Уни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик, зинони ақл-идроққа тобеълантириш ёки ақл-идроқни зино билан булғаш одам боласининг тани билан руҳини ажратиб юборади. Ҳар қандай ажралиш, емирилиш ва таназул белгисидир. «Зинодан қочинглар! Инсон қиладиган ҳар қандай гуноҳ бадандан ташқарида бўлади. Зино қилувчи эса ўз шахсий баданига қарши гуноҳ қилади» (*Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 436-бет*).

Ақлу ҳуши бор одам кўриб билиб туриб ўз баданига балчиқ сачратмайди, балчиқдан нарироқ юришга, кийим-боши ва руҳини пок тутишга ҳаркат қилади. Зино эса узоқ-узоқларда мавжланган саробдир. Унга қанчалик яқинлашганинг билан шунчалик қадрдон гўшангдан узоқлашиб борасан.

Оила қурмоқ табиий инсоний эҳтиёж бўлгани ва инсоният тарихи оилани, оила инсоният тарихини яратгани учун унга, биринчи навбатда, маънавий мезонлар нуқтаи назаридан ёндошилади. Ҳар бир миллат, элат ва мамлакатларнинг оила низомлари, одат ва кўникмалари шаклланиб келган. Лекин барча дин, халқлар учун оила поклиги ва муқаддаслиги бирдек азиз ва муътабардир.

Эркак ва аёл учун оила қурмаслик ва бева бўлиб қолиш мусибат ҳисобланади. Бундай чоғларда ҳам зино йўлидан эмас, ибо йўлидан боришга даъват этилади. Тасодифиятдан тасодиф орқали эмас, ақлу идроқ орқали чиқиб кетиш мумкин.



Эру хотинлик мажбуриятини адо этаётганлардан қайси бири шахвоний ишқ балосига гирифтор бўлса, унинг хонадони ҳам, иймони ҳам куйиб кетади. Бунинг олдини олиш учун эру хотин ораларидаги муносабатни мустаҳкамловчи яшаш ва шарият қонун-қоидаларидан ташқари, муҳаббат ва оилани сақлаб қолишга бўлган интилиш туйғулари ҳам даркор.

Зинони кечириб бўлмайди, аммо у сабабсиз оқибатдай қабул қилинади. Яхши-ёмон сифатлар, иймонсизлик ила қилинган хатти-ҳаракатларда эру хотиндан сабр-тоқат, бардош талаб қилинади.

Оила тепасида ҳар қандай қор-бўрон кўтарилганда ҳам сабр-тоқат билан иймонни ўртага қўйиб, қийинчиликларни енгиланинг охири хайрлидир. Оиладек муқаддас паноҳни сақлаб қолмоқ ўзга мамлакат хазинасини қўлга киритгандан кўра шарафлидир. Оилани тузмоқ қийин, бузмоқ осон.

Оила шарафи бўлинмайди. Уни эр ҳам, хотин ҳам барабар кўтариб юради. Эркак гуноҳи аёлни қаритади, бевафо аёл эса эркакнинг иззатини туширади. «Хотин эркакдан яратилгани тўғри, лекин эркак хотиндан дунёга келиши ҳам тўғри» дейилган экан, унинг яшаш ва одоб тарзи ҳам бири иккинчисига боғлиқ (*Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 445 бет*). Хотин эркакнинг иззати бўлса, эркак хотиннинг қисматидир. Уларнинг бирлигидан оила, оиладан фарзанд деган ширин мева ҳосил бўлади.

«Шунингдек, – дейилади Инжилда, – хотинлар ҳам сочига ортиқча оро бермай, олтин, марварид ёки қимматбаҳо кийимлар билан эмас, балки



содда қиёфа, иффат ва орият билан безансинлар. Худодан қўрқаман, деган хотинларга муносиб хайрли ишларни ўзларининг зеб-зийнати қилсинлар. Хотин сукутда ва тўла итоаткорлик билан таълим олсин. Хотин таълим бериб эркак устидан ҳукмронлик қилишга рухсат бермайман. Хотин сукут сақласин. Чунки олдин Одам Ато, кейин Момо Ҳавво яратилди. Шунингдек, Одам эмас, балки хотин шайтонга алданиб, жиноят қилди. Агар хотинлар иймонли, меҳрли, номусли, муқаддас умр сурсалар, бола туғиш орқали нажот топадилар» (*Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм, 1993, 531-бет*).

Демак, оиладан мақсад фақат шахвоний туйғуларни қондиришгина эмас, эркак ҳам, аёл ҳам ўзларини поклантириш, яъни инсон ва инсониятни яратиш мажбуриятини туймоқдир. Ана шунинг учун ўзига бино қўйиш «суyoқ оёқлик»ка олиб келади дейилса, иймонли, номусли бўлиш поклик белгиси фарзанд, насл-насаб қолдириш билан мукофотланади.

## ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА ИНСОН КАМОЛОТИ

Инсон умри ёруғ дунёда ўзининг ботиний ва зоҳирий амалларини намоён этишдан ташкил топади. Зеро, қадим-қадим замонлардаёқ, аждодларимиз комил инсон деганда, эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амаллар уйғунлигини идрок этганлар. Ана шундай тафаккур, руҳ ва продани бирлаштирувчи, уларнинг қандай куч ва имкониятларга эга эканлигини кўрсатувчи омиллардан бири жисмоний маданиятдир.

Жисмоний маданият – бу фақат бадан тарбияси эмас. Жисмоний маданият инсон қиёфасида унинг жинсини ва жисмини намоён этувчи, ҳаётга бўлган муносабат ва ҳаётдан оладиган неъматларда бегараз эстетик лаззат излашга чорловчи ботиний тўлқинларнинг маънавий эврилишидир.

Жисмоний маданият одамзод туғилиши билан у билан бир умр ёнма ён ва изма из қадам босиб келади. Туғилган чақалоқнинг қичқириб-қичқириб йиғлашидан тортиб, оёқ-қўлларининг тартибсиз ҳаракатларининг ўзи дастлабки ва ибтидоий жисмоний маданият намуналари эмасми?

Ҳар бир инсон умр бўйи ўзини ўзи жисмоний тарбиялаб келади. Болалиқдан бошланган қўл-оёқ ҳаракати, югуриш ва сакраш, дарахтга чиқиш ва





чўмилиш, ер чопиш ва дарахт кесиш, ариқ қазиш ва иморат қуриш, мева териш ва пичан ўриш... Шунга ўхшаш минглаб инсоний эҳтиёжларни қондириш учун қилинадиган жисмоний ва ақлий ҳаракатлар аслида инсоннинг ўзини ўзи жисмоний тарбиялаб келишидан далолат беради.

Демак, инсон ҳаракат билан тирик. Бу тириклик асосини табиий жисмоний ҳаракат ташкил этади.

Жисмоний маданият – ҳаракатлар занжири. Қачонки бу занжир узилса, инсон умри ҳам узилади. Жисмоний маданият, кенг маънода, инсоннинг барча табиий ва ижтимоий қобилиятларини рўёбга чиқарувчи, уни тобора инсонийлаштириб, ҳам жисмоний, ҳам маънавий чиниқтириб, юксалтириб борувчи жараёндир. Инсон бир жойда, бир мавқе ёки ҳолатда қотиб турмаганидай, жисмоний маданият ҳам қолип тусини олган меъёрлар йиғиндиси эмас. Бугунги меъёр эртага тўғри келмайди, жисмоний маданиятда эришилган бугунги ютуқ, эртага эскириб қолиши мумкин, у узлуксиз равишда инсонда яширин ётган ички ва ташқи лаёқатлар ва имкониятларнинг намоён бўлишини таъминловчи тўхтовсиз жараёндир.

Ана шу маънода ўз табиати билан ижодкор бўлган инсон ҳаракат туфайли, жисмоний маданият туфайли ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзгартиш ясашга, ижод қилишга, ўз жисмоний балоғатини гўзаллик намунаси сифатида намоён этишга интилади.



Демак, инсон гўзаллигини белгиловчи омиллардан бири жисмоний маданиятдир.

Қозоқларда «Турқи яхшидан тугунма» деган мақол бор. Бежиз эмас. Саъдий ҳам инсон гўзаллигини унинг ташқи жиҳатдан келишган ва бежиримлигида кўрган. У «Гулистон» асарида ёзади: «Бир чимдим ҳусну жамол бир дунё мулку молдан яхшироқдир. Гўзаллик дардманд кўнгилларнинг малҳамю, қулф эшикларнинг калитидир. Табиийдирки, кишилар унинг суҳбатини орзуи диллари деб билдилар ва унга хизмат этмакни фахр ҳисоблайдилар».

Инсон гўзаллиги ҳам ташқи кўрinish, ҳам ички маънавий нур, ҳам ширин сўз ва инсоний муомала, ҳам соғлом турмуш тарзи билан белгиланадир экан, буларнинг барчасига жисмоний маданият орқали эришилади. Одам спорт турлари билан мунтазам шуғулланмаса ҳам жисмоний маданиятни қанда қилмаса у биринчи навбатда ўз соғлиги устида қайғурган бўлади. Соғлом одам эса жамиятнинг фаол аъзосига айланади. Соғлом танда соғлом ақл бўлади. Соғлом одамнинг кўзига дунё гўзал, одамлар гўзал, яшаш завқли, меҳнат инсоний эҳтиёж бўлиб туюлади. Буларнинг барчасига инсон жисмоний маданият орқали эришади. Жисмоний маданиятдан тобора узоқлашиб борган сари киши ўз умрига ўзи болта уради. Унда лоқайдлик, сояпарварлик, дангасалик, ишёқмаслик, оқбилаклик, текинхўрлик сингари хунуклик аломатлари кучаяди.



Жисмоний маданият меҳнатни тақозо этганидай, меҳнат инсондаги мудроқ жисмоний ва маънавий кучларнинг бирлашишига, уйғун такомил этишига ёрдам беради.

Бирор мусобақада голиб чиққан спортчи нафақат ўзининг гўзаллиги, муваффақияти ва маҳоратини намоиш этади, бунда у миллат ва мамлакат рамзи сифатида ғалаба шоҳсупасига кўтарилади. Голиблар шаънига у мансуб мамлакат мадҳиясининг таронаси бекорга янграмайди. Бинобарин, спортчи голибнинг шаъни-шуҳрати мамлакат шаъни-шуҳратига айланиб, улуғворлик касб этади. Спортчининг улуғвор қиёфасида фақат жисмоний куч, эпчиллик ва чаққонлик мужассам бўлмай, инсоннинг хулқ-атвори, маънавий олами ҳам акс этади. У жисмоний азоблар, шахсий майл ва рақобат туйғуларини босиб ўтиб, бошқаларнинг қўлидан келмайдиган фавқулудда жасорат ва ғайритабиий бир ҳолатни бошидан кечиради. Бу нарса одамларда ҳайрат ва ғайрат туйғуларини уйғотувчи гўзаллик аломатидир.

Барчага таниш ва яқин бўлган сўзлардан ҳамма ҳам адабий асар ярата олмаганидай, бунинг учун алоҳида бадиий қобилият зарур бўлиб, ана шу қобилият натижасида сўзлар жаранги ва образлар дунёси ҳосил этилганидай, барчага таниш ва маълум жисмоний ҳаракатлар спортчи томонидан шундай ифода даражасига олиб чиқиладики, томошабин бу ҳаракат, бу ритм ва мақомнинг қанчалик



санъат даражасига кўтарилганидан завқ-шавққа тўлади. Ҳаракатдаги санъаткорона нозиклик ва гўзаллик жисмоний маданиятнинг энг юксак чўққисидир.

Жисмоний баркамол одам, аввало соғлом, унда барча нарса маромига етган ва унинг ҳаракат ва фаолиятида нафосат меъёри сақланган бўлади.

Абу Али ибн Сино соғлиқни сақлашда еттита нарсага эътибор беришни тавсия этади: феъл-атворни яхшилаш, нарсаларни танлаб еб-ичиш, гавдани чиқиндидан тозалаш, баданнинг тўғри тузилишини сақлаш, тоза ҳаводан нафас олиш, мос кийим танлаш, жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўътадил қилиш.

Ибн Сино таълимотига кўра, «Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак: Бири, болани секин-аста тебратиш, иккинчиси, уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб болани танаси билан жисмоний маданиятга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади».

Кўриниб турибдики, жисмоний тарбия ўз ичига фақат бадан ва унинг айрим қисмлари ва ҳолатларини тарбиялаш, кучайтириш, чиниқтириш билан чегараланиб қолмайди. Жисмоний тарбия инсоннинг комилликка эришувида битта қанот, холос. Унга иккинчи қанот ҳам зарур. Бу соғлом тан ва саломатлик негизида шаклланадиган маънавий салоҳиятдир. Ана шу икки қанот, яъни жисмоний ва маънавий омиллар бирлиги, муштараклиги инсон камолотидан дарак беради.



Жисмоний маданиятга эришишни ҳар бир шахс, ҳар жамоа ва миллатнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжига айлантирмоқ зарур. Чунки инсон комиллигини унинг жисмоний маданияти ва бой маънавий-ахлоқий фазилатларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

А. П. Чехов айтганидай, одамнинг чеҳраси ҳам, кийими ҳам, фикри ҳам гўзал бўлмоғи лозим. Ана шундагина инсон комиллик шохсунасига қадам қўйган бўлади.

## ҲАЁТИЙ ҲИКМАТЛАР

Ақл инсон руҳини шод, калбини пок айлагувчи тафаккур калитидир. Инсоният тарихи – ақлнинг шаклланиш, ривожланиш ва жамланиш майдони. У вақт сингари доимо олдинга қараб юргувчи гардиш. Гоҳо асрлар давомида инсоният онгида етилмаган аклий балоғат якка бир шахс миёсида тўпланиб қолганидай, ақл баъзан инсон вужудининг қоронғу хужрасида адашиб, фалокат ва разолат рамзига айланиши ҳам мумкин.

\* \* \*

Қалбни фармон ила бўйсиндириб бўлмайди, қалбнинг ўз амри-фармони мавжуд, баланд руҳни чўктириш мумкину, чўккалатиш мумкин эмас.

\* \* \*

Одамлар ўз ақли ила мартаба, унвон, мансаб, зебу зарларга эга бўлади, аммо нафс эса инсонни бу неъматларга ё қул, ё хўжа айлайди.

\* \* \*

Ҳалоллик дил қўйнида иймон ётганда, харомлик эса нафс бағрига дил ботганда вужудга келади.

\* \* \*

Ақл инсон вужудининг чироғи эрса, бу чироқнинг пилиги – тил, мойи – қалб ённки руҳдир.

\* \* \*

Баднафслик инсонни маънавий бепуштлик касалига мубтало этади.

\* \* \*

Инсон табиятида итлик ва тўнғизлик, девлик ва фаришталик сифатлари ҳам бор. Шунинг учун инсон вужудида ғазаб ити хуружга минса, уни ақл занжирига боғламоқ даркор.

\* \* \*

Рухнинг сояси йўқ, аммо доимо ҳаракатда. Уни кўрмайсан, аммо усиз яшай олмайсан. Уни ушлаб бўлмайди, аммо сени қўйиб юбормайди ҳам. Дилга ўлим, танга тиним йўқ. Таннинг тингани ўлганидир, дилнинг тингани боқийликнинг давомидир.

\* \* \*

Илмли — илдам, илмсиз имиллагандир.

\* \* \*

Ижтимоий тараққиёт алоҳида шахсларнинг тапир-тупуридан эмас, аниқ мақсадлар йўлидаги миллий бирлик туфайли ҳосил бўлади.

\* \* \*

Гавҳар қадрин кўр билмас,  
Инсон фарқин гўр билмас.

\* \* \*

Розилик иймонли келишув аломати.



\* \* \*

Балоли кунларда чиройли сабр қилувчи одам сафоли дамларнинг қадрига етувчидир. Шукр камда кўпни, кўпда хўпни кўрмокдир. Шукр хасад ва очкўз-ликдан фориг инсон табиатининг чаройли амалидир.

\* \* \*

Насихат олмоқ учун одам боласининг қулоғи ва кўнгли очиқ бўлиши керак. Агар қулоқ тутилсаю, кўнгил эшиги берк ёки бузуқ бўлса, бундай кўнгилга доно насихатлар калити тушмайди.

\* \* \*

Хар қандай улуг инсоннинг ҳам бош эгадиган Каъбаси бўлади – бу унинг онасидир.

\* \* \*

Одамзод она танлаш ҳуқуқидан махрумдир. Инсон жуда кўп нарсаларни алмаштиради, янгилайди, ўзгартиради, аммо она – Ватан, Қуёш сингари ягона ва беқиёсдир.

\* \* \*

Она – осмон, уни бошимизда кўтариб юрайлик. Унинг оғирлиги ҳеч қачон елкамизга тушмайди.

\* \* \*

Илмли элнинг кўйнида дон бўлади,  
Илмсиз элнинг кўнглига қон тўлади.

\* \* \*

Бойлик – бевафо ўйнаш.



\* \* \*

Кўлмак сувни тўплаб бўлмас, тўплаб бўлса ҳам  
хўплаб бўлмас.

\* \* \*

Яхши раҳбар бош бўлади,  
Ёмон раҳбар бош ёради.

\* \* \*

Эл дардига малҳам бўлсанг, келажагинг ёруғдир,  
Эл номини сотиб юрсанг, оғзинг тўла оғудир.

\* \* \*

Ҳар замоннинг садоси бор,  
Ҳар замоннинг — дуоси.  
Ҳар замоннинг додхоҳи бор,  
Ҳар замоннинг — маддоҳи.

\* \* \*

Маънавият — одамзоднинг инсонийлик дара-  
жаси, одамийлик унвонидир.

\* \* \*

Тасаввурда туғилган образ ва тушунчаларни,  
туйғу ва шуурни бевосита ушлаб бўлмаганидай,  
«Маънавият» ҳам бепоен бўлгани учун унинг аниқ  
ўлчови ва чегараси йўқ. Унга таъриф беришнинг  
мушукуллиги шундаки, маънавият «Олам», «Ҳаёт»,  
«Муҳаббат», «Ўлим» сингари чексиз тушунча бўлиб,  
онг ва қалбда шаклланиб, ойдаинлашиб, моддийлаш-  
ган, инсонийлашган ҳолдагина кўзга ташланади.



\* \* \*

Маънавият шахс ва миллатнинг «ақлли қалби»ни ифода этадиган, тарих силсилаларида унинг турли томонлари намоён бўладиган, табиат, жамият ва инсоннинг инсонийлашув даражасини билдирадиган руҳий идрок, зийрак қалб оламидир.

\* \* \*

Эстетика – инсоннинг ҳаётга завқий муносабатини ўрганувчи фан.

\* \* \*

Миллий ғурур – қон билан жоннинг уйғунлик рамзи.

\* \* \*

Ватанни амалдордан кўра оддий халқ кўпроқ севади.

\* \* \*

Одамлар ҳаётини кўкда қуёш, ерда олимлар ёритади.

\* \* \*

Эви билан ичганга шароб эм бўлади, эви билан ичмаган одам шаробга ем бўлади.

\* \* \*

Пора берган гердаяр, пора олган серраяр.

\* \* \*

Инсон маломат кўрган жойда эмас, саломат бўлган жойда яшашни истайди.



\* \* \*

Бошдан ўтгани қошдан биласан. Қоши ёрилганнинг боши ҳам ёрилган бўлади.

\* \* \*

Бесабрлик ғазабни тугади, ғазаб эса жаҳолатни йўргаклайди.

\* \* \*

Ёмоннинг йўлдоши бўлмас, йўлдоши бўлса-да, қўлида оши бўлмас.

\* \* \*

Ҳаддидан ошган одамни тиймоқ тоғорадан тошган хамирни тўхтатиш деган гап эмас.

\* \* \*

Одамнинг қаҳ-қаҳлаб кулиши унинг кўнгли очиқлигини билдирмаганидай, инсоннинг босиқ ва оғирлиги унинг қўрқоқлигини ҳам англамайди.

\* \* \*

Маддоҳлик тафаккур кенглигини эмас, торлигини, ақл борлигини эмас, хорлигини кўрсатади.

\* \* \*

Такаббурлик — ғазаб ва жаҳолат ўчоғининг алангасидир.

\* \* \*

Очкўз тўйда тўйиб, тўнда илимас.



\* \* \*

Ҳаётда ҳар ким ўз ўрнини эгаллашга даъвогар бўлади, аммо бу ўринни доимо бошқалар белгилайди. Шунинг учун бир ўринга даъвогарлар кўп, мушаррафлар оз. Бунда даъвогарнинг эмас, танловчининг ақл-фаросати ҳамма нарсани ҳал қилади.

\* \* \*

Ғазаб отини тушовлаш инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга. Ғазаб жазаваси ҳомиладор бўлиб шайтонни тугади, шайтон эса одам боласи лабига сут эмас, заҳар тутади.

\* \* \*

Оиланинг ягона устунни мен бўламан, деб гўда-йиб турадиган, оиланинг ягона ўчоғи мен бўламан, деб оғиз-бурнидан тутун чиқарадиган, оиланинг ризқ-рўзи мен бўламан, деб едирган-ичирган нозу неъматларини таъна қиладиган эркакдан ҳайиқиш мумкину, уни ҳурмат қилинмайди.

\* \* \*

Мамлакат учун ташқи хавфдан кўра, ички бўлиниш минг карра хавфли.

\* \* \*

Оила шарафи бўлинмайди. Эркак гуноҳи аёлни қаритади, аёл гуноҳи эса эркакнинг обрўсини тўқади. Хотин – эркакнинг иззати бўлса, эркак хотиннинг қисматидир.

\* \* \*

Жисмоний маданият — ҳаракатлар занжири. Қачонки бу занжир узилса, инсон умри ҳам узилди.

\* \* \*

Ҳаракат — ҳаёт белгисидир. Инсон туғилгандан то дунёдан кўз юмгунча доимий ҳаракатда бўлади. Инсоннинг бошқа ва айрим жонзодларга нисбатан кўпроқ яшашининг боиси ҳам шунда.

\* \* \*

Муҳаббат ё улфат келтиради, ё кулфат келтиради.

\* \* \*

Жавраган хотиндан авраган хотин яхши!

\* \* \*

Бир хил уруғ ернинг қанақалигига қараб турлича ҳосил берганидай, қанақа бола туғилиши ҳам асосан, она пуштига боғлиқ.

\* \* \*

Пушти бузуқ аёлдан мушти бутун бола бўлмас.

\* \* \*

Такаббур одамлар ўзларига бийлик кутар, ўзгаларга қийиқ тутар.

\* \* \*

Жаҳли бурнининг учида турадиган аёл лабини умр бўйи ялагандан кўра бир қултум захарни бирдан ютган маъқул.



\* \* \*

Бойлик билан ҳалоллик сув билан олов каби-  
дир. Бойлик ҳалолликни, ҳалоллик бойликни та-  
қозо этмайди.

\* \* \*

Қўшнингги туриш-турмушига қараб халқинг  
ҳаёти ҳақида хулоса чиқарма.

\* \* \*

Қасамхўрнинг ваъдаси лақмага қўшиқ бўлур,  
Насибаси ёвғонга чўзилган қошиқ бўлур.

\* \* \*

Меҳмондорчиликда қўлидан исроф пичоғи  
тушмайдиган одам ё очкўз, ё хасис, ё ичиқора  
бўлади.

\* \* \*

Алдагани бола яхши, дейдилар. Йўқ! Бола би-  
лан аёлга бирдай муомала қил. Иккаласи ҳам рост  
билан ёлғоннинг фарқига бормади.

\* \* \*

Тўғрилиқни топишда қонун оғир карвондир,  
Ўғрилиқни ёпишда пиллапоя нарвондир.

\* \* \*

Ватандан этак қоқиб кетганлар ҳам уни эртак  
каби эслайдилар.



## МУНДАРИЖА

Инсонийлик сабоқлари .....	3
Ақлли қалб – инсон зийнати .....	5
Ахлоқу одобга нима етсин! .....	26
Яхши ва ёмон одамлар .....	45
Эру хотинлик. Оила муқаддаслиги .....	65
Жисмоний маданият ва инсон камолоти .....	80
Ҳаётини ҳикматлар .....	86

Тилаб Маҳмуд

**КОМИЛЛИК АСРОРЛАРИ**

*Ҳаётий ҳикматлар*

Муҳаррир	И.Турсунова
Техник муҳаррир	М.Мамажонов
Дизайнер ва саҳифаловчи	А.Складчиков
Мусахҳих	С.Зуфарова

Босишга руҳсат этилди 1.05.2006.  
Бичими 60x84 <sup>1/32</sup>. Bodoni Uz. гарнитураси.  
Офсет босма. Шартли босма табоғи 3,0.  
Нашриёт ҳисоб табоғи 3,25. Адади 5000 нусха.  
Буюртма 15. Баҳоси келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
«Адолат» нашриёти.  
Тошкент шаҳри, 700170.  
А.Муҳиддинов кўчаси, 26

«Maxi Graf Plus» босмаҳонасида чоп этилди.  
700200. Гв.пол. Ходжаев кўчаси, 2.